






УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
Х. С. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ
ҚУЛЕЗМАЛАР ИНСТИТУТИ

ШАРҚ КЛАССИКЛАРИ МЕРОСИДАН

ЗЕБУННИСО, ДИЛШОД
ва
АНБАР ОТИНЛАР

ШЕЪРИЯТИДАН



Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти
Тошкент — 1981

Редколлегия: Абдураҳмонов Ф. А., Аҳмадхўжаев Э. Т., Ҳабборов Ж. Ж., Қаюмов А. П., Пармузин Б. С., Шоғуломов И. Ш., Шомуҳамедов Ш. М.

Китобчада истеъододли шоиралардан Зебуннисо (XVII аср иккинчи ярми), Дилшод-Барно (XIX аср) ва Анбар отин (XIX аср охири ва XX аср бошларида) ларнинг ғазал, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, маснавий, таржсебанд ва рубоийларидан намуналар уқувчилар эътиборига ҳавола қилинади.

Тузувчилар: Маҳбуба Қодирова,
Фотима Ҳусаинова

Редактор М. Раҳматуллаева

3—52

Зебуннисо ва бошқ.

Зебуннисо, Дильтод ва Анбар Отинлар шеъриятидан (Редкол.: Ҳабборов Ж. Ж. ва бошқ.).— Т.: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1981.— 128 б. 7 в. расм.— (Шарқ классиклари меросидан).

Сарл. олдида: ЎзССР ФА Ҳ. С. Сулаймоновномидаги қўлёзмалар ин-ти.

Зебуннисо, Дильтод, Анбар Атын. Избранное.
Ўз1

©Издательство ЦК Компартии Узбекистана, 1981.

Ушбу мажмууда Сиз муҳтарам китобхонларга ўзбек адабиётининг етук адабаси — ўтмишдошларимиз Зебунисо (1639—1706), Дильтод Барно (1800—1905) ва Анбар отин (1870—1915) шеърларидан гулдаста тақдим қилинмоқда.

XVII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган Зебунисо келиб чиқиши билан ўзбек қавмларидан бобирийлар авлодига мансуб бўлиб, Ҳиндистонда яшади. Шоира давр анъанасиға кўра форс-тожик тилида ижод этди ва шеърларини, «Зеб» тахаллуси билан ёзи. Унинг асарлари, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистонда шуҳрат топганидек, Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқалган эди.

Зебунисо 1639 йилда Ҳиндистонда Деҳли шаҳрида дунёга келди. Унинг отаси Абу Зафар Муҳиддин Аврангзеб Бобирнинг паннабираси бўлиб, онаси Дилярасбону Бобирнинг қизи Гулбаданбегим авлодларидандир. Зебунисо ёшлигида ўз даврининг фозила отинларидан Хафиза Марям қўлида савод чиқарди. Шоир ва олим Мулла Муҳаммад Ашраф Исфаҳоний ва Мулла Жевон кабилар қўлида тарбия топиб, у араб тили сарфу наҳв (морфология ва синтаксис)ини қисқа муддатда ўзлаштириди, шеърият ва музика сирларини ўрганади, фикҳ (қонуншуносиг) ва мантиқ илмини, шунинdek фалсафа ва тарих фанларини әгаллашга интилади. Зебунисо хаттотлика ҳам малака ҳосил қилиб, насж, настаълиқ ва шикаста хатларини яхши билади. Натижада етук шоира, олима, созандга хаттот бўлиб етишади.

Мураккаб ва зиддиятли даврда яшаган Зебунисо ўша давр ижимоий шароитининг ҳамма қарама-қаршиликлари замирини тушиниб етмаса ҳам, ҳаёғни зийрак кўз билан кузатиб жорий давр ва шароитнинг инсоният эркини бўгувчи ҳукмрон қонун-қоидаларига норозилик билдиради. «Шоҳнинг қизи бўлсан ҳам, лекин юзимни фақирларга ўғираман» деб ўз тақдирини халқ тақдирни билан боғлашга интилади.

Ўз асарларида инсонийлик, пок ахлоқ ҳаётга ва табиятга муҳаббат мотивларини куйлаган Зебуннисо кўпчилик халқлар қалбига кириб борди. Шоиранинг дилрабо асарлари унинг ота-боболари ватани бўлмиш ўзбеклар диёрига ҳам етиб келди ва ўзбек китобхонлари учун қадрли бўлиб қолди. Тарихчи Ҳакимхоннинг «Мунтакаб ут-таворих» асарида Зебуннисо шахси ва ижодига катта эттибор билан қараси, тазкиранавис Фазлий Наманғонийнинг «Мажмуаи шоирон» ва Нодирнинг «Ҳафт гулшаш» асарларида шоиранинг истеъодига юксак баҳо берилиши, Ҳозик, Ҳиромий каби қалам соҳибларининг Зебуннисо шеърларига боғлаган мухаммаслари ажойиб маърифатпаравар шоиранинг ўзидан кейинги давр ўзбек ва тоҷик адабиёти равнақига кўрсатган таъсири масаласини равшанлаштиради.

Дилшод ва Анбар отин XIX асрда бир бирларига яқин даврда яшадилар. Дилшод устод, Анбар отин эса унинг талантли шогирди эди.

Дилшод ижод майдонига XIX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб қадам қўйди. Шоира ўзининг дастлабки шеърлари билан бу давр прогрессив йўналишдаги адабиётга келиб қўшилди. Унинг асарлари мундарижа эътибори билан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тарақкий этган демократик адабиётга ҳамоҳанг эди.

Дилшод бир аср умр кўрган шоирадир. Унинг келибчиқиши ҳозирги Тоҷикистон ССР нинг Ўратепа (қадимги Истравшан) шаҳри билан боғланади. Дилшод, «Тарихи муҳожирон» асарида баён қилишича, Қўқон хонининг Ўратепа вилояти устига босқипчилик юриши вақтида бошқа асирлар қатори 1817 йилда Қўқонга ҳайдаб келинган. Дилшоднинг шундан кейинги ҳаёти шу ерда кечади.

Шоиранинг шеърларида она Ватап-Ўратепага ва кейинча уни ўз бағрига олган Қўқонга бўлган жуда катта муҳаббат ҳисси ифода этилади. Шундай қилиб, Дилшод ўзбекларнинг ҳам, тоҷикларнинг ҳам севимли шоирраси сифатида танилди. Унинг мероси бугунги кунда бирбирига қардош ўзбек ва тоҷик халқларининг қадимий маданий ва адабий алоқаларининг яна бир гувоҳи бўлиб қолди.

Дилшоддан бизга Ўзбекистонда топилган ўзбек тилида лирик ва мемуар характердаги «Саботул — башар» маа «Тарихи муҳожирон» («Инсон матонати» ва «Муҳожирлар тарихи») асари етиб келган. Шоиранинг тоҷик

тилидаги шеърлари ва «Тарихи муҳожирон» асарининг бир мунча тўла нусхасидан иборат қўлёзмаси тоҷик олими А. Муҳторов томонидан топилиб, ўрганилган ва нашр эттирилган эди.

Дилшод меросига бир бутун ҳолда ёндашар эканмиз, унинг ўз даври ўзбек ва тоҷик адабиётларида мавжуд бўлган илғор анъаналар изидан борганлигини кўрамиз. Шоира Ҳофиз ва Навоий каби улуғ даҳоларни ўз устози деб билди. Улардан ўрганганини ифтихор билан қаламга олди.

Дилшод ҳаётга муҳаббат, ватанпарварлик, ҳалиқпарварлик, дўстлик туйғуларини ранг-баранг образлар орқали тасвирлашда катта маҳорат кўрсатди.

Дилшод асарларида яхши кунларга бўлган орзу алоҳида диққатга лойиқdir. Унинг шеърларида одамзоднинг юксак эзгуликка ишончи катта умидворлик билан кўйланади:

Толеим кулсун, таманно фикридек бўлсун ҳаёт,
Элу ҳалқ ҳукмида ёзган зикридек булсун ҳаёт,
Ишқ аҳлининг умиди меҳридек бўлсун ҳаёт,
Муғбачани жом туттган илгидек бўлсун ҳаёт,
Қалби равшан бу сажий кун нуридек бўлсун ҳаёт!

Биз худди шундай ҳаётсеварликини Дилшоднинг севикили шогирди Анбар отин ижодида ҳам кўрамиз. Дилшод ўзининг «Тарихи муҳожирон» асарида: «Анбарой илм мушоҳида қилиш пайтидан бошлаб ҳалқ аҳволи ва ҳукмрон табақаларнинг етишмовчиликларини синчилаб, кўп фикр юритар эди», — деб эслайди. Дарҳақиқат Анбар отин XIX асрнинг иккинчи ярми ва асримизнинг бошларида яшаб ижод этган Муцимий, Фурқат, Аваз ўтарларга мансуб бўлган демократик адабиётнинг «ичкари»даги вакили сифатида самарали ижод этди.

Ёшликтан устози Дилшод қулида тарбия топиб, ўтмиш тарих, адабиётни пухта ўрганган ва жуда эрта шеър машқ қила бошлаган Анбар отин фоҳидалар билан чулгаб олинган қисса ҳаёт йулини босиб ўтди. Шоиранинг аянчли ҳаёти ва шу билан бирга мудҳиш феодал урф-одатларини фош қилувчи асарлари унинг боши устида кўтарилиган фалокатларга сабаб бўлди. У бир хётинлар мажлисида хонзода хонимларнинг турмушдаги қора иллатларини фош қилувчи шеър ўқиёди. Шоиранинг ҳаққоний ўткир сўзлари олдида лол

қолган бой ойимлар ундан жисмоний ўч олишган. Анбар отиннинг иски сёғи шол бўлиб қолади, устига ўпка касали ҳам қўшилади.

Анбар отиннинг жисмоний азоб чекиб ётиши унинг руҳини, ҳаётга бўлган ишонч ва муҳаббатини сўндира олмади. Шоира руҳан тетик, замон билан ҳамнафас, порлоқ келажак умиди билан ижод қилди.

Анбар отиндан бизгача газал, мухаммас, мустазод, рубоий, қитъалардан иборат шеърлари ҳамда «Қоралар фалсафаси» рисоласи етиб келган. Анбар отиннинг мазкур меросини излаб топиш ва илмга олиб киришда профессор Л. Қаюмов ва Ф. Ҳусанинованинг хизматлари катта булган.

Анбар отиннинг асарлари ўзининг чуқур ғоявий мазмуни, бадиий нафосати билан Дишод шеърлари нинг бевосита давомидир. Дишод шеърларида бўлганидек, Анбар отин ижодида ҳам Урта Осиёning Россияга қўшиб олиниши натижасида туғилган янгиликларга катта эътиқод сезилиб туради.

Анбар отин замондош демократик шоирлар каби ҳалқимиз билан рус ҳалқи ўртасидаги ўзаро дўстона алоқа юзага қелишини, улар ҳамкорликда иш кўришларини орзу қилди. Бу дустлик ўзбек ҳалқи учун жуда зарур эканлигини яхши англади. Шоира гарчи ривожланиб келётган революцион ҳаракатлардан бевосита ҳабардор бўлмаса ҳам, ўзбек ҳалқига озодлик учун курашда руслар «раҳнамо» бўлишига ишонди. Маърифатпарвар шоира ижтимоий ҳаётда рўй бераётган турли ходисаларни ҳалқ манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолашга интилди.

Шоира «Якка байтлар»ида, она Ватанга бўлган муҳаббат, одамларнинг турмуш тарзи, маърифат масалалари бўйича ибратомуз фикрлар юритилади:

Одам эрсанг маъни бил дона — дона,
Ватан эрур сенга иккинчи она!

Шундай қилиб, шоираларимиз Зебуннисо, Дишод ва Анбар отинлар лирикаси ўқувчи кўзи ўнгидага аёл қалби билан куйланган ҳаёт гўзалликлари лавҳаларини бирма-бир намоён қиласди. Шоираларимизнинг ҳар бир мисраси, ҳар бир образи ўзининг чуқур мазмуни билан ўқувчини ўйлашга, фикр қилишга ундаиди, мазмун теранлиги билан китобхонни ўзига мафтун қиласди.

Филология фанлари доктори **Маҳбуба ҚОДИРОВА**

ЗЕБУНИСО ШЕЪРЛАРИ

ҒАЗАЛЛАР

Зулфи ҳалқа-ҳалқау кўзи қаро бу ердадир,
Боқиши шафқатли-ю, нозик адо бу ердадир.

Киприги ханжар, карашма тиғу кўз ташлаш яшин,
Гар шаҳид бўлмоқчи эрсанг, Карбало бу ердадир.

Берса ҳам жаннатни, алданма кишилар сўзига,
Бир қадам майхонадан жилмаки, жо бу ердадир.

Каъбага бормоқ на ҳожатдир, агар дил овласанг,
Беҳуда йўллар кезар бу ҳалқу, жо бу ердадир.

Ҳуснинг бошдан-оёқ боққанда ҳар бир нуктадан,
Дилни тортиб ҳар карашма, дерки: жо бу ердадир.

Изладим бир-бир жаҳонда ҳар неча булса китоб,
Кўрдиму хаттингни дедим: муддао бу ердадир.

Истасанг ҳуснинг закотини берарга мустаҳиқ
Келди, бу Зебунисо янглиғ гадо бу ердадир¹.

* * *

Лайли зотидан эсам-да, дилда Мажнунча ҳаво²,
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.

Мендан ўрганди-ю бўлди гулга булбул ҳамнишин,
Менгадур парвона ҳам шогирду, ишқимдур расо.

¹ Зебунисо шеърлари ўзбекчага М. Муинзода томонидан таржима қилинган.

² Ҳаво — ҳавас.

Зоҳиримдур ғозаранг, аммо ниҳоним қон эрур,
Ўз ичида сақлагандек қип-қизнл рангин хино.

Баски қўйдим мен фалакнинг елкасига ғам юкин,
Кийди мотам тўнини-ю, бўлди қадди ҳам дуто.

Шоҳ қизи бўлсан-да, қилдим фақр йўлин ихтиёр,
Бас менга бу зебу зийнатким, отим Зебуннисо.

* * *

Тандан ажралсин у бош, гар лойиқи дор ўлмаса,
Синсин ул қўл, ёр бўйнига агар бор ўлмаса.

Ул киши қандай кутаргай тонгла маҳшар бошини,
Гар унинг кўксидаги доги лоларухсор ўлмаса?

Бу жаҳондан кўзни юм, кўз олдида ёр ўлмагач,
Қўр бўлмоқ яхшидир, ул кўзи хуммор ўлмаса.

Юз баҳор охир бўлиб, ҳар чаккадан жой олди гул,
Ҳайфдир бизнинг гулимиз зеби дастор ўлмаса.

Ҳайф зоҳид салласигаким, бу печу тоб ила
Тасбеҳига ип бўлиб, зуннор учун тор ўлмаса.

Ҳар матога бор харидор ҳуснинг бозорида,
Не учун Зебуннисо қариб, харидор ўлмаса?

РУБОИ ИЛАР

Мен илон оғзидан шаккар талабман;
Үргумчак инидан мен пар талабман,
Эркак шер кўксидан сут талаб қилсан,
Оёқяланглардан сийм-зар талабман.

Не учун фарёд чекурсан, сўзлагил, эй шаршара?
Андуҳи бирла юзингга ким ажин солмиш, қара?
Не эди дардингки дард чекдинг туну кунлар аро,
Бош уриб тошларга йиғларсан, нечун бу манзара?

* * *

Андалиб гулдан кечар бориб чаман курса мени,
Бутнаастлик қилмагай гар бараҳман курса мени.
Сўз аро бўлдим ниҳон хушбўй гуллар баргидек,
Кимки курмоқ истаса суз ичра шан курса мени.

* * *

Биёки зулфи каҷу чашми сурмасо инчост,
Нигоҳи гарму адоҳон дилрабо инчост.

Карашма — тегу, мижа — ханҷару, нигаҳ — алмос,
Шаҳодат ар талаби, Дашибти Карбало инчост.

Агар биҳишт диҳандат, фиреби кас нахӯри:
Қадам зи майкада берун манеҳ, ки чо инчост.

Ба тавфи Каъба кучо мерави, диле дарёб,
Ки халқ беҳуда чон меканад, чо инчост.

Зи пой то сари ўҳар кучо ки менигарам,
Карашма домани дил мекашад, ки: чо инчост.

Китобхонаи олам варак-варақ ҷустам,
Хати ту дидаму гуфтам, ки муддао инчост.

Закоти ҳусн агар медиҳи барон худо,
Биёки Зебуннисо ҳамчу ман гадо инчост.

—9—

* * *

Гарчи ман Лайли асосам дил чу Мачнун дар ҳавост,
Сар ба саҳро мезанам, лекин ҳаё занчири пост.

Булбул аз шогирдиям шуд ҳамнишини гул ба боғ,
Дар муҳаббат комилам, парвона ҳам шогирди мост.

Дар ниҳон хунам, ба зоҳир гарчи ранги ғозаам,
Ранги ман дар ман ниҳон чун ранги сурх андар
ҳиност.

Баски бори ғам бурун андохтам бар рӯзгор,
Чома нили кард, инак бин, ки пушти ў дутост.

Духтари шоҳам валекин рӯ ба фақр овардаам,
Зебу зинат бас ҳаминал: номи ман Зебуннисост.

* * *

Дур бод аз тан саре к-ороиши доре нашуд,
Бишканад дасте, ки хам бар гардани ёре нашуд.

Дар қиёмат сар чи сон берун кунад аз ҷайби хок?
Синаи он кас, ки доги лола руҳсоре нашуд.

Дар назар шоҳид надори дида аз олам бипӯш,
Кур бех ҷашме, ки лаззатгири дидоре нашуд.

Сад баҳор охир шуду ҳар гул ба фарқе ҷо гирифт,
Ғунчай доғи дили мо зеби дасторе нашуд.

Ҳайф бар аммолан зоҳид ба ҷандин печутоб,
Риштаи тасбеҳ гашту тори зунноре нашуд.

Ҳар матосро ҳаридорест дар бозорҳо,
Пир шуд Зебуннисо, уро ҳаридаре нашуд.

ДУБАЙТҲОИ ЗЕБУННИСО

Ман аз даҳани мор шаккар металабам,
Аз хонан анкабут пар металабам,
Аз синаи наррашер шир металабам,
Аз марди бараҳнапой зар металабам.

* * *

Булбул аз гул бигзарад гар дар чаман бинад маро,
Бутпарасти кай кунад гар бараҳман бинад маро?
Дар сухан пинҳон шудам монанди бӯ дар барги гул,
Майл дидан ҳар ки дорад дар сухан бинад маро.

* * *

Эй обшор, навҳагар аз баҳри чисти?
Чин бар ҷабин финганда зи андуҳи кистӣ?
Дардат чи дард буд, ки ҳар шаб, тамоми рӯз
Сарро ба санг мезади-ю мегиристи?

ДИЛШОД ШЕЪРЛАРИ

* * *

Бу муҳаббат жомидур, деб даҳрдин чиқди нидо,
«Ер аксин майда кур, деб жомдин чиқди садо».

Хонақоҳ аҳлиға айтдим: «Алвидо, эй сўфилар»,
Дайра кирдим, риндликни эмди қилгум ибтидо.

Ман ичиб ишқ бодасини, бой бердим мазҳабим,
Ҳар на бўлса курса кўзим, жон анга бўлсун фидо.

Бу қадаҳ ичра кўрунди орази ул ёрни(нг),
Занжири ишқини солди буйнума, эрмиш ридо.

Ошиқини ғул уруб банд айласа маъшуқ агар,
Шукр қилғай, бўлмасам деб, бандидин ҳаргиз жудо.

Жаннату дўзах баробар ошиқи зор олдида,
Анга мақсаддур фақат бир «Каъси анворул худо».

Гарчи Барно зордур бир орази ёр олдида,
Ишқ имомига ҳамиша айламишдур иқтидо.

* * *

Баҳор айёми қелмасдин булурму ҳеч чаман оро,
Фалак саҳнида юлдуз чиқмагач, зулм ичрадур
Лайло.

Құхистон бағрида музлаб ётубдур сув оқолмасдин,
Ҳаво юмшаб, бұлур ёзу оқиб келгай неча дарё.

Илилім наврұз ҳисобидин изофат айлади, билсанг,
Бұшашмасдин ҳамон қақшатди элни олати сармо.

Гулистон бу маҳалда гул насимини сочар одат,
Еғочлар муз каби қотған бошида ботмони тармо.

Бу чөғлар гулшан узра андалиблар хушхон вақти,
Нечук ҳолатки, бօғ устида зөғлар айлаюր ғавғо.

Ишорат қилки, ховар абрлар остида ётмасдин
Жәхонға күрсатиб хуснин, мунааввар айласун жоно.

Тараҳхум қилки, ёрим, бу диёrimда баҳор үлсун —
Ки умринг нашъасини куйласун ашъор этиб Барно.

* * *

Одам айтибдур аввал улуғ нурға қараб,
Бир марта құлғыл, әй нур, қаро ерға қараб.

Ховар боқибдур ул дам анвор меҳр ила,
Зулфин этиб паришон, сою қирға қараб.

Ер айлануб турибдур, парвона ховар узра,
Хаё тери оқибдур Амую Сирға қараб.

Чиқганда дона-дона булоқ күзидин ул тер,
Хайратда ховар ўлмиш ул он дирға қараб.

Сиру Аму оқибдур, кишвари кокилидек,
Назар солмабдур асло адирға қараб.

Одам құлида охир ўлибдур ром Жайхун,
Таъзим этибдур ул дам ул Сирға қараб.

Инсон пайрави бұл, Дишод ўлғайсан,
Таъзим этма ҳаргиз бегу мирға қараб.

* * *

Эй ҳаким, этма ғаразким, гүштдиндур бу кабоб,
Билмоқ истарсанки, асли гүштдиндур бу кабоб.

Сан маризи ишқни билмай деюрсан, таб эрур,
Пустин күйдурған ўшал таб гүштиндур бу кабоб.

Кура ичра қылса манқал, күргани күйдургуси,
Күксим ичра манқалеким, пустиндур бу кабоб.

Үнлама, күринмаган дилда иечук қура бұлур,
Дуди охым чиқадур, жойи рустдиндур бу кабоб.

Ҳажр сиррін фош этмай, дилда сақтай доимо,
Бағри бирёним ҳиди андуҳи зиштдиндур бу кабоб.

Ишқни фош айласам, ағёрлар пайдо бұлуб,
Бошима ёғдурди зарби муштдиндур бу кабоб.

Ер васлиға етолмай, ишқ китобини битиб,
Күйди Барно жигариким, дуруштдиндур бу кабоб.

Нигоҳ солма, мани назарга илма, табиб,
Писанд ноқис ила нишингга илма, табиб.

Бу ишқ дарди эрур, фасона этма мани,
Вагар на ҳеч қадам ранжида қилма, табиб.

Мұхабbat ўтин үчирмоқ эрса илик-ла,
Шифойи васл кетурмагунча келма, табиб.

Агар давойи ҳижрон надур, билмассан,
Бу дард сирри қаёnda эрур, билма, табиб.

На ер оғрийди, деб агар сұрурсан ўзумдин,
Овора бұлма, бу маңжур күнгулни тилма, табиб.

Мұхабbat аҳли билурлар бу ринд ҳолини,
Яроға құл текизма, ғадудни шилма, табиб.

Висол муждасини гар манга насиб этсанг,
Барно қошидин ҳарғыз хиёл жилма, табиб.

* * *

Исминг Анбар, жисминг Анбар, лоларухсан, лаъли
лаб,
Сузласанг курган ҳар одам айтур аҳсан, лаъли лаб.

Гар ҳаётим тийра бұлмай мұтадил бұлғай әди,
Бир әмас ҳар ерда қилгай әрди гулшан, лаъли лаб,

Май ичиб, мастана боққанда юзингга ҳар замон
Кулбани гулгун мисолида күрарман, лаъли лаб.

Хуснинг монанд әрур ҳилму ҳаё, ахлоқ ҳам,
Шунчалик нури латофат, йүқ «ман-ман», лаъли лаб.

Ширинидин айрилиб, меросини бермиш санга,
Келса Фаргона аро күрмоқчи арман, лаъли лаб.

Чину Мочиндин келиб курса агар шаҳзодаси,
Они ҳам ишқида қилғай эрди Қўҳкан лаъли лаб.

Илтижо қилғай бу Барно, ҳукм қилсун тебрануб,
Раҳнаидин ўтма деб қипчоқу найман, лаъли лаб.

* * *

Йиллардин ҳам йироқ бўлди зулматли соат,
Токай давом этар бундоғ алам — разолат!

Хуршид юзин тўсиб турар қаронғу чодир,
Шул сабабдин еру кўкда ҳоким асорат.

Мавсум қани, иқлим қани, фасллар қани,
Барчасини ҳалқумига тортди фалокат.

Қалъаларни, бўстонларни, кўп маконларни
Вайрон этди ҳукмронлик деган касофат.

Набототни, меваларни, барча сарватни
Паррандау мўру малах айлади форат.

Ҳокимларга итоат, офатга рози,
Қачонғача қилмоқ керак бу хилда тоқат.

Барнолар зулматда, заъфарон юзи,
Ғазаб қўзғаб, хазон бўлур ҳусну латофат.

* * *

Эй боғбон, узинг соҳиби иноят,
Аҳволимга бўлғил әмди ҳимоят.

Дашти жунун ичра сарсон ўлмайин,
Ноҳақ йўлдин ёнушмағай жиноят.

Ҳар кимсани макони ўлса сахро,
Қуруқ чўпдек қуритғуси ҳарорат.

Сабзиш этмаки, нобуд ўлсам үшандоғ,
Сандин фарёд этиб кетгум бағоят.

Дараҳт бесамар ўлса боғида
Боғбон танида қолмағай ҳаловат.

Мани күкартурмай ниҳол мисоли,
Роҳат этсанг ўлур айни ҳамоқат.

Тарбиятдин бенурлар ўлди Барно,
Бепарвоник келтуармиш ҳалокат.

* * *

Дарё мисол улур барча газалиёт,
Сабзиш айлар гүё арча газалиёт.

Дарё киби оқмай, күкармай турса,
Албат бұлур парча-парча газалиёт.

Маддохлиқта ярап сұзда ёзилса,
Хар мақом сози дуторча газалиёт.

Рұзгорнимиз қазонида қоврулса,
Тотлиқ бұлғай, мойли ғарчча газалиёт.

Ҳаётийлиқ қасб этмаса ҳар ғазал,
Хушомадғұ бир шиорча газалиёт.

Хати хунук, магзи Барно бұлмаса,
Хориб қолғучи чопарча газалиёт.

• • •

47831

Субхидамда мани, боди сабо, уйғот,
Димоғимға юбориб хушқаво, уйғот.

Тонг жамолин күрмоқчиман олғи сафда,
Үнг құлымға бериб янги ливо, уйғот.

Шамъи анвар нур сочур, деб күзим күкда,
Ер узра ҳам сөчиб андин зиё, уйғот.

Зиё сочар чоги ғофил қолмағайман,
Қулоғимга бериб савти наво, уйғот.

Фироқида куюб, бемор үлганимда
Тонг васлидин насиб этиб даво, уйғот.

Бир ўзумни дедим халойиң номидин,
Оlam ичра талъат бериб жило, уйғот.

Боди сабо, ўзгинанғдин умидим күп,
Маҳрум үлмай Барно баҳти қаро, уйғот.

* * *

Қалам текизма қошингга, бузилмасун бу хат,
Фалакдин ой мисоли узилмасун бу хат.

Ики чизиқда мужассам ёсн айлади пай,
Бу икки масти қўйилмай тузилмасун бу хат.

Қошингни кўрсатиб ойға, хижолат этма ани,
Юзингда доира шакли сўзилмасун бу хат.

Юзингта боқсам ўқурман масҳаф оятини,
Илоҳи ишқим ўтидек қўзилмасун бу хат.

Мужгон ўқи ҳамиша қошинггадур маҳрам,
Қиёмат ўлғучча ҳаргиз тўзилмасун бу хат.

Тоқ узра тут ҳамиша ики қамар янглиғ,
Жаҳон нури ёғурмниш эзилмасун бу хат.

«Вал-лайли вал-қамар» оят ёзар эмиш Барно,
Хуруфи оят узра бирдек тизилмасун бу хат.

* * *

Езганимда хун-хун йиғлайди хат,
Бағрисидин бағрими доғлайди хат.

Нега йиғлайсан, десам бермай жавоб,
Күз ёшини оқузуб инграйди хат.

Елбориб сурсам жавоб айтар манга,
Езасан, фикрингдаги бұлмайди хат.

Дилда бир мақсудни жо айладинг,
Үйлаган мақсудинга етмайди хат.

Ман дедим: «Битдим сани умид ила»,
Қоғоз устидин сира кетмайди хат.

Хатда қолиб кетмагай ниятлари,
Ұқығай авлод, ҳеч үчмайди хат.

Хат амал йұлини Барнодек тутуб,
Бу гарибни бенасиб этмайди хат.

* * *

Бу хатни меҳр ила битсун ҳаририга хаттот,
Шу ишда хизмати синсун кабириға хаттот.

Бу хат үчмасун асло ҳарир сафқасидин,
Тарих гули яратсун сафириға хаттот.

Бу хат хуруфини мисли ниҳол сабз айлаб,
Бұстони илм ясатсун фақириға хаттот.

Бу хат муждасини әлтиб паём тариқида
Берурму телба күнгиллик асириға хаттот.

Бу хатни лола мисоли учурса боди сабо,
Яффоги тушса тутарму адиринга хаттот.

Бу хат ұажр ила түгён алангаси эрди,
Ұзини нотиқ этурму замириға хаттот.

Дилшод қабрида ҳам шед үлурму руҳи кўруб,
Бу хатни берса замона аҳлиға хаттот.

* * *

Кел, дилоромим, ғазал ёз, пайравият олсун авж,
Илмдин баҳс бер, (бир) оз ақлу фаросат олсун авж.

Бу на хислатдурки, илму маърифат бўлди малул,
Ҳақ сўз ила жарчи бўлғилки, шужоат олсун авж.

Ман битай тавсифи ҳуснингни тамом ўтгунча умр,
То дилимда санга бўлған чин муҳаббат олсун авж.

Сан агар битсанг ғамимни, бир йўла изҳор этиб,
Ғамзадалар борасидаги фазилат олсун авж.

Ғамгусорим, бир йўли кўксумга қўл ургил ўзинг
Ким, билиб дерсанки, қандоғ бу ҳарорат олсун авж.

Баски билдинг бу муҳаббат бодасин хуморидур,
Сўнгра айтурсанки, риндларга саховат олсун авж.

Неча ошиқ саргузаштин ёзди Барно умрида,
Боз ҳам айлаб шитоб дейдур, садоқат олсун авж.

* * *

Ўзбекни арабга қилди дугона ҳаж,
Бу элға кетурди ажаб замона ҳаж.

Борурға маблаги йўқлар йўлуқти ғурбатга,
Пулдор одам учун хўб бир баҳона ҳаж.

На эрса суду зиёндин йигилған ул маблағ,
Жаноби ҳазратга деди иона ҳаж.

Дилида шұхрат учун бой борур Каъба тараф,
Шу турфа ҳожигадур бир фасона ҳаж.

Кетишида сартарош видоълар фарзандига,
Кумибдур анда ани ҳам бесағона ҳаж.

Дилшод, тунда худони ўзиға ёлбордим,
Шоядки бұлса қабул уйда шабона ҳаж.

* * *

Эй рақиблар, сиз деюрсиз: «Ишқ сүзидин кеч-кеч»
Ман деюрман: «Ишқ сўзидин кечмагайман ҳеч-ҳеч!»

Сиз деюрсиз: «Ер остонидин олгил бошни»,
Ман деюрманки: «Кутармасман бошимни ҳеч-ҳеч!».

Неча дерсиз: «Кетгил әмди, шу изох басдур санга»,
Ман нечук кетгумки ёр зулфи этибдур печ-печ.

Даргоҳидин ҳайдамак истар эса ул мохру,
Аввало кессин бошимни, десун бандин чеч-чеч.

Шунча ҳам оқсунки қоним, лолагун бұлсун жаҳон,
Амр этсун санга бу наҳрим аро хұб кеч-кеч.

Чирқираб арвоҳи зорим, даргоҳинга пайма-пай
Келса, Барно үрнида йүл берсун ул ҳар кеч-кеч.

* * *

Бошиңда бұлса фалокат, бу кенг жаҳондин кеч,
Зулмда ұтса бу умринг, замину замондин кеч.

Енингда әрса рафиқинг ила рақиб агар,
Рафиқ баҳрасин олғил, рақиб знёндін кеч.

Жаҳонда яхшилиқ инсон юзиға зийнатдур,
Набот берса заққум бил, бари ямондин кеч.

Оғизда лахта этинг бор, ямонни айтдирма,
Агар зиённи гапурса, тилу забондин кеч.

Үзингни одам әтибсан бирөвки Хотамдур,
Хақорат айлама ҳаргиз, ямон гумондин кеч.

Үзингни үйлама танҳо, эл ичра содиқ бўл,
Нахудча етса зиённинг, ўзинг ҳаёндиин кеч.

Дилишод, отған ўқинг гар нишонга тегмаса,
Хатога ўқ юритувчи бузуқ камондин кеч.

* * *

Қолабимга оҳу дарду ҳажру ишқ деб кирди руҳ,
Ҳар бўғум, ҳар рагда қон бирла ҳамоғуш юрди руҳ.

Қон сизадур таб сирин ўтсиз ёқиб қиздиргали,
Дил маконига қараб (қон) лашкарини сурди руҳ.

Бағрим очгач дил саройин, асли манзил шул дебон,
Меҳр созин ишлатиб, ишқ таъбурини урди руҳ.

Маҳрами рози илан журъа тотиб, ол бодасин,
Хилват уйда ишқбозлик ила даврони сурди руҳ.

Дилга боқиб қолабимда меҳр ўтини ёқаман,
Манга сан ҳам ҳамфирк бўлғаймусан, деб сурди руҳ.

Дил деди: «Ўт ёқғучи эрсанг, бу ўтни қўш анга»,
Ҳайратомуз дилдафи меҳр оташини урди руҳ.

Эй азизим, санда ишқ ўти ёнарса шунчалар,
Шул сабаб Барно экансан, деб базмин қурди руҳ.

* * *

Күзумни(нг) нурини тўқгум, китоб эрса сариҳ,
Вужуд боби ёзилганда боб эрса сариҳ.

Хуруфда нурн ҳаётим шуоъи барқ этса,
Башар қиёфаси узра лубоб эрса сариҳ.

Жамол ойинасида сафил қўзғатғай,
Камоли ҳусни қўкида маоб эрса сариҳ.

Кўзум кўрмаган ул ҳур ҳақида ваъз этмам,
Фанони(нг) баҳридин оғсан сароб эрса сариҳ.

Нечун аҳли тасаввуф вараъни ёқтурмасин,
Самъ замирида шайхи қимоб эрса сариҳ.

Сабаб надур, қаландар тутар кажкулини,
Футуҳи тақвига шайху шиоб эрса сариҳ.

Нечун мулки ҳудуди васиъ то бора,
Барно(ни) адамга чақирған хитоб эрса сариҳ.

* * *

Низомию Фузулийнин асари чух,
Асарлари чўхлиғидин асари¹ чух.

Ғазалларин пайравида бош дўндурууб,
Бутоҳлери вазнин онин самари чух.

Адаб анжуманинда шоҳ ұлдуғидур,
Мушоира бобинда шавқи зафари чух.

Турк элати севдигидин ҳар доимо
Фарғонанин Хўқандина сафари чух.

Кўрдум онин икови ҳам баржаста зот,
Миёнинда эл бойлаган қамари чух,

¹ Бизга таъсири маъносида (М. Й.).

Оразидин нури адаб барқ урдуғи,
Зарралери шұъласинин шарари чұх.

Дилшод агар манимники, ким үқуса,
Ұз асри(нинг) борасида хабари чұх.

* * *

Эй күнгил, доим муруват бирла дөғи жона бох,
Жон дугул завқи қафас шаклиндағи жонона бох.

Бир бохиб, здма фаромуш манзари чашминг буруб,
Лаҳза-лаҳза хуштабассум айла, она ёна бох.

Сан дириксан они бирла, ул дирикдур сан ила,
Лолая құнмоқ истар жон дугул парвона, бох.

Бошиңг узра чарх ураг оташға үзин ургучи,
Күймасун шамъин үдида, чұх қона-қона бох!

Құнмоқ истар лабларинг шерозасига ҳар нафас,
Лутф әдіб йүл вер анга, қүндур сан они кошона бох.

Доим арз айларки, сандин илтифот истар бу жон,
Қолабим султони эрсанг, жонима шоқона бох.

Эй дило, сандин муҳаббат муждасини истарам,
Дериб олмохчи бу Барно, санда чұх дурдона, бох.

* * *

Васл ҳангомини күтдүм, келди бу ҳангом талх,
Наврұзим субхини күтдүм, лек келди шом талх.

Некном олмакни излаб, ишқ йүлини тутганим,
Охири мажнун этиб, қўйди манга бадном талх.

Бора-бора равшан үлгай деб, умид этдим бу шом
Қоп-қаро зулматда қолди баҳтима ҳангом талх.

Косау жомим лабиға байт ёздим бол ила,
Шум рақиб оғы солиб қайтарди манга жом талх.

Лаъли лаб еткурса ёрим деб қадаҳ тутдим үзим,
Тўқди майни қатра қўймай, эмди қолдим ком талх.

Бир йўли юзимга боқмоқ ўрнига ул бевафо,
Тарсаки урди юзимга, бу деди, инъом талх.

Найласун Барнойи Дишод, илтижо ширин сўзи,
Ёрдин олди жавобиға бутун пайғом талх.

* * *

Мунча маҳзундур мажозинг, не гуноҳинг, эй жуҳуд?
Ҳол сўрмоқдур малол, чиққанда оҳинг, эй жуҳуд?

Не сабабдин бу таноб белбоғ белингдадур мудом?
Миллатингаму ишорат бу гувоҳинг, эй жуҳуд?

Сан ҳам одам, икки қўл, икки оёқ ҳам қошу кўз,
Ул араб, русу фарангдекдур нигоҳинг, эй жуҳуд.

Бизда хуррамлик ҳайитлар эл ародур ошкор,
Ҳеч кўрмасман, қаерда сайлгоҳинг, эй жуҳуд?

Давлату мулку иморатдур тавонгар сарвати,
Нега йўқдур дабдабалик ижзу жоҳинг, эй жуҳуд?

Ким тарафдин расм үлубдур сизни таъқиб айламоқ,
Қўчаларда болалар тўсмоққа роҳинг, эй жуҳуд?

Айтакўр дардингни битсун Барно авроқиға,
Эҳтисобот чогида бўлсун паноҳинг, эй жуҳуд.

* * *

Билурмиз шаҳду шарбатдин бўлур қанд,
Киши илгида сарватдин бўлур қанд.

Қуруқ туфроққа құл ургач паё·пай,
Лубоби хок меңнатдин бұлур қанд.

Башар андуҳига соз олоти най,
Маоби зарби ҳимматдин бұлур қанд.

Набобот умри инсон мунтазири,
Заҳарлиқ қут адолатдин бұлур қанд.

Гадо ғурбатда, авқоти заққумдур,
Ҳамият бұлса, ғайратдин бұлур қанд.

Қачон ҳоким ұлар ҳақ иш жаҳонда,
Тамоми нозу неъматдин бұлур қанд.

Гадоу шоҳ номи чиқса хатдин,
Ҳама Дилшоду иффатдин бұлур қанд.

* * *

Ватаним боғига бир күн мұждан гулёр муқаррар,
Чаманим ҳуснига гулгүн чехраи дийдор муқаррар.

Тасвир суратини тил ила изхор этарга,
Бу дилим мулкига илҳом мисраи ашъор муқаррар.

Тил ила ҳар қадаре тасвирини назм этсам,
Суратин тортгали құл логару бемор муқаррар.

Васл занжирбаннан, әшики мадғун доим,
Күргали маъшуқини ошиқ әрүр зор муқаррар.

Ер васлиға етушмақ йұлинини рашк айлаб
Банд этибнан, бандимизға неча ағёр муқаррар.

Ошиқи зор үзи құрбати йұқ очса йұлни,
Мавсуми нағарыз ұлуб келса мададкор муқаррар.

Ринди бечора ҳамиша масти мустағрақ эрур,
Гул насими баҳра бергач бўлса бедор муқаррар.

Бу гадолар ҳолига қилса тараҳҳум Барно,
Битса васл хукмини зулм бўлғуси бекор муқаррар.

* * *

Эй ватандош, ҳамфикр, ҳамзикримиз, ҳамхоналар,
Бирга ўйнайлик, қулайлик жўралар — дугоналар.

Пардани очинг, чиройингиз кўрунсиз эл аро.
Шамъи рухсорингиза куйсун кўруб парвоналар.

Юртимизга рахна солиб, кечалар бирдан кириб,
Роҳатимизни бузишга келмасун бегоналар.

Пок тупроқларни босиб, қилди ифлос ерларин,
Зоғ чанголидин ҳам мушкул эрур бедоналар.

Не гуноҳим борки тоҷикман, тиламда турк сўзи,
Қипчоқу мӯғул келиб, бошимга ургай фоналар.

Куйлангиз озодлик мазмунида, сиз, беибо,
Тингласун Тошканд, Ҳўқанд, Ҳўжанд ҳам
Фарғоналар.

Соз олинг мутрибалар, Барно ғазални бошласун,
Мовароунинаҳр аро парвоз этиб тароналар.

* * *

Хўбрўлиқға бино қўймағил, эй таррор,
Фаҳш ишларға сани ҳусн этмади тайёр.

Одамга фақат ҳусн эрур рўйига зеб,
Ботинда жамил ўлмаса бу ҳусн бекор.

Кўзингға жаҳон зийнатини айла зиё,
Ушшоқлар йўлларида айлама маккор.

Ростлиқға завол ўлмас әмиш, билинг,
Халқингни ҳалок этмағил, эй айёр.

Ёшлиқ санга бир йул келиб, боз кетар,
Қадриға етиб уйнамоғинг даркор.

Гар ташки жамол хуб, ичи бад буладур,
Гўёки ичи лой, юзи нақшу нигор.

Барно, ҳама вақт ичу тошиңг бир қилакур,
Ҳусн аҳлиға бул икки жаҳон саркор.

* * *

Хўқанд боғида етилған жийда хурмодин лазиз,
Мағзи Кағмирдин кетурған лафзи ҳалводин лазиз.

Истравшан соҳибийси бор узумлар шоҳидур,
Мирҳусайнини донаси ҳам яди Лайлодин лазиз.

Биз Намангон ҳамқарини, меваси биллар учун,
Қайин ҳам Лоҳурдағи ҳар қанча аълодин лазиз.

Лалми буғдой нонини еган билур қандоғ бўлур,
Фалласини донаси минг хум тиллодин лазиз.

Еримизни(нг) шолисини ўзимизга берсалар,
Биз палов қилсак хитойли мингта шавлодин лазиз.

Мулки Фарғона жаҳонни жаннатидур билсалар,
Боғи Эрам деб мақтанилған тухми анқодин лазиз.

Сўзни Барнодек баралла айтса шоири замон,
Ҳар бири рўзгор учун тазвири муллодин лазиз.

* * *

Хонақоң шайхига берсанг гар қулоқ вахдат лазиз,
Дайр шайхига қулоқ солсанг агар, шарбат лазиз.

Кімки еаҳдатни талаб этса бұлуб бир мосиво,
Анда қолмабдур кишиликтин нишон, сурат лазиз.

Майли ҳар ким сүйганининг лаззатин кўрсун, нетай,
Ман каби риндларға муг тутган майи накҳат лазиз.

Ёр деб овоза бўлсам, қўлға олғум жомни,
«Ашрақат мин акс» бўлса, манга бас тийнат лазиз.

Майни ичсам, ёр дийдорини кўрсам дайр аро,
Ишқ дарёсида чўмсам, манга шу ишрат лазиз.

Ёр ишқи қайси йўлға солса ошиқни агар,
Мажнуни саргаштадек юргандаги ғурбат лазиз.

Номай аъмолима, Барно, ёзилған тақдирим,
Бу ўшал ишқ йўли деб, қўйсам қадам, журъат лазиз.

* * *

Қулунгга ол қаламни, ёз ғазални, дедилар устоз,
Бериб илҳом дилга муштағилни дедилар устоз.

Сан уқ бошлаб адабни, эл ҳаётиға муваддат қил,
Сухан бўстонида булбул бўлурсан, дедилар устоз.

Гуноҳингу савобингдин гапурма, меҳрдин сўзла,
Муҳаббат жомидин ҳиммат майнини ич, дедилар устоз

Ўлумдин баҳраманд бўлмай қазову қадрдин айтма —
Ки, ул маслак йўлида бошқалар бор, дедилар устоз.

Агар одам әрурсан муфтахүрликдин күр жафоларни
Ки, илминг бурди кеткай ҳирс құшулуб, дедилар
устоз.

Мулозим бирла ошно бұлмагилким, кибри зўр
улгай,

Такаббур элидин дарду мараздур, дедилар устоз.

Эл ичра ишла, эл бирла тирик бұл (гил) амалда
Ки, танқо ном чиқармас яхшиликда, дедилар устоз.

Қалам олдим құлумға, шеър ёздим эл ҳәётини,
Амал қылдым ёзишда ҳар нимарса дедилар устоз.
Агар ишқу муҳаббатдин ёзар бўлсанг ғазал ҳар
гоҳ,

Элинг ишқини, Барно, доимо ёз, дедилар устоз.

* * *

Аё одам, санга қувват эрур фарз,
Ҳәётингға ярап қудрат эрур фарз.

Бу қудрат рўзгоринг тебратишға
Аносир илгидек ғайрат эрур фарз.

Бу қудрат, қуввату ғайратға монанд,
Фазилат бўлгучи ҳиммат эрур фарз.

Булар устиға виждон ҳам керакдур,
Неку рафтор ила иффат эрур фарз.

Санга шундоқ фазилат берганиға
Халойнқлар учун хизмат эрур фарз.

Шу хизмат бўлмоғи шойиста лозим,
Анингчун жонкуяр меҳнат эрур фарз.

Агар Барно ғазалхон бўлмоқ истар,
Навоий пир деб, ният эрур фарз.

* * *

Манда ман-ман лофдин йүқдур ғараз,
Сүнгра нуну қофдин йүқдур ғараз.

Ваъз айтиб, ўз амал этмай анга,
Қалбаки ичқоқдин йүқдур ғараз.

Дунёдин уқбони аввал сўзлашиб,
Юзаки инсофдин йүқдур ғараз.

Суратини сийратидин ажратуб,
Ялтироқ авсофдин йүқдур ғараз.

Кундузи масжидда, тунлар базм аро
Ишрату тундлиғдин йүқдур ғараз.

Шубҳалик аёқотни макруҳ деб,
Рўяки дилсофдин йүқдур ғараз.
Тилда, Барно, зикри ҳақ эл кўзига,
Дилда шину қофдин йүқдур ғараз.

* * *

Ринд элига пир баён этмади ваъз,
Ваҳ, чаро бизга ҳаён этмади ваъз.

Нақдини кўрди бу воизи гаранг,
Ростгўйликни бирон этмади ваъз.

Насяни ваъда этиб, нақдин олиб,
Эл ҳамёнини гумон этмади ваъз.

Жанинату ризвон ўлур тонгла, дебон
Ўзи ҳақида чунон этмади ваъз.

Еу униоб бодасини деди ҳаром,
Ришва сўзини аён этмади ваъз.

Гапуруу зулм элиниң фойда сиға,
Адлни вирди забон этмади ваъз.

Сузидин мажлиси Дилшод улмай,
Ўзи ҳам нафъи замон этмади ваъз.

* * *

Адабда шоҳи муашшир эрур ўшал Ҳофиз,
Фалакда моҳи муҳаширир гайр мағал Ҳофиз.

Тажнис сўз топарда мисол топилмағай,
Кўзунгға жилванамо кўргузур маҳал Ҳофиз.

Шароби антаҳур ичди, кетурди таърифини,
Ҳаёт тарихи ичра қилиб амал Ҳофиз.

Шиоб қилди маломат Ҳофизин куфр илғаб,
Бу йўлда қолмади асло, бўлиб қамал Ҳофиз.

Навоий нақлида «тўтии хушнаво» эрди,
Лутфини баҳрида ёзмиш нечанд, ғазал Ҳофиз.

Илмиға таассуф этурмиз, сурур даштиға,
Биронта ёзмади шеъри аро дағал Ҳофиз.

Дилшод ўқишда устод, ёзишда пир деюр,
Ўзини илмиға банд этди муштағал Ҳофиз.

* * *

Мавҳумотдин мосиволик ном таратган ўзимиз,
Ақлу ҳуш меҳнат била дунё яратган ўзимиз.

Риндмиз дайрнишин, бода нұшу жандапуш,
Борлик сайрига элни қаратган ўзимиз.

Эрлар даврасиға кирма деюрсизлар ғаюр,
Биз ҳам одаммиз дебон ҳансиратган ўзимиз.

د اتنی دار دیگر عکس نه و پستان ایست متنی کویند آنکه



جزه بی خور د تر باش عکس اتنی پسیاه و سفید است متن
اینکه مده پسیاه است یک جانور که دیگر است کاین او
برابر سانه ولاج ممولا بوده باشد سخ و خوش بگل است در بالهای خود



که پسیاهی اردیک دیگر که حات بارلو عج شپیاه است از
بارلو عج خسیل که ایان تراست یک زنگ پسیاه است دیگر



Дунға меҳр қўюб, бодани ичма деюр,
Бода йўқ, оби унноб деб, шарширатган ўзимиз.

Шайх Мансурал аналҳақ ила Машраб пиримиз,
Ишқсиз шайх кўзини пирпиратган ўзимиз.

То муҳаббат ўти оғзидин шарора урмаса,
Мордек бошин мажақлаб, чирчириатган ўзимиз.

Суфийи жоҳил, кўзинг оч, булҳавас бўлма дебон,
Барно ила ғазал ўқуб, қийқиратган ўзимиз.

* * *

Келинг, қизлар, чалайлик даф ила соз,
Бир осойиш замонни чорлайик боз.

Диёrimизни таъриф айламакка
Ҳамма мақсадни бирга айлайик соз.

Қўшиқни Нодира шеъриға боғлаб,
Бўлайлук созига бизлар ҳамовоз.

Увайсий бирла Маҳзуна қошида
Турайлук суҳбат айлаб бирга дамсоз.

Ғазаллар пардасини ҳар қаноти,
Ҳаётлик кўнглимизда этса парвоз.

Кимники мисли маъдан эрса рангин,
Ғазаллар ҳусни эрмас, балки пардоз.

Жамоли мисра асли эрса, Барно,
Ўқуған одам айлар онча эъзоз.

* * *

Дилда мисли чашма қайнайди ҳавас,
Қайнashiдин лаҳза қолмайди ҳавас.

Бу ҳавас кўплардадур, деб ўйласам,
Тунлари уйқуни қувладиди ҳавас.

Хар киши ҳар турлик үйлар бу ажиб,
Хар күнгилни қўймай овлайди ҳавас.

Мандағи үйлар тамоми үзгадур,
Юрагим сиррини қавлайди ҳавас.

Орзуйим шулки, кунжи хонадин
Қизларим чиқмоғин ҳоҳлайди ҳавас.

Мени ҳам синнимға сини қўшмоқ ила,
Аллоли замонға чорлайди ҳавас.

Барнони үн бора синнини кесиб,
Анбар қиз ёшига боғлайди ҳавас.

* * *

Ёшим элликдин ўтубдур ҳеч сўнмайди ҳавас,
Навжувонлардек бўлинг, деб яхши үйлайди ҳавас.

Ишқ ўтида куйдим, мадфун бўлдим, ўтди умр,
Ўзи кўнглумни қитиқлаб, шўх куйлайди ҳавас.

Бир замонлар зўр умид бирла тараҳҳум айлабон,
Бу забони лолга сўзлашини сўйлайди ҳавас.

Ишқ дардин дема кимга онт берганда ичиб,
Боз ошиқлик тақозосини қўймайди ҳавас.

Рост айтур гар ҳавас ўз йўлидин ҳеч қайтмагай,
Гар ниятга етмагунча суст бўлмайди ҳавас.

Эй ситамгар, қўй, дилим абгордур зулм ўтидин,
Ишқ ўти андин қавий, деб бирга зўрлайди ҳавас.

Қайта бошдин бу дилим гўё баҳор ўлмиш, кўринг,
Ваҳки, Барно кўнглидин кўкларга урлайди ҳавас.

Мажлис аро жом тутмоқ бизга хос,
Мавҳумот сиррин унугмоқ бизга хос.

Ҳар рибо ришва қиёмидин кечиб,
Мўндини лойини ютмоқ бизга хос.

Савти Довуду вараъдин сесканиб,
Муғбача созин эшитмоқ бизга хос.

Ул тамуғ учмоҳдин умид узуб
Ёр дийдорини кутмоқ бизга хос.

Қора чодир бурканиб ўтирумайин,
Назм айёмин юрутмоқ бизга хос.

Хонақоҳ ҳангомасин пешпо уруб
Ринд элин дайра киритмоқ бизга хос.

Май ичиб, Дишод, хуррамлик ила,
Зулмнинг бехин қурутмоқ бизга хос.

Тақдир дедим, биймдин ҳеч ўлмадим халос,
Ваҳм айладим, жиндин бўлолмадим халос.

Қай кун тасаввуф аҳлиға бўлганда ҳамишин,
Бийм қолмади, аммо диндин бўлолмадим халос.

Аҳли хирадға ёндошиб, қувдим тасаввухин,
Ихлоси эътиқодини тан олмадим халос.

Фикр айладимки, рўзгор олоти не туурур,
Омузиши хирад дедиму бўлолмадим халос.

Вужуд аҳли рўзғор илмини ахтарур,
Донишкада даргоҳидин ман ўлмадим халос.

Не күзга жилвағар әрүр, не құлда хушку тар,
Күруб, тутуб, үзга йұлға киролмадым халос.

Дилшодни тарсо дебон ҳукм этди қозилар,
Бош кесдилар, жон чиқмадиу бұлмадим халос.

* * *

Ман ҳукм этарам: ватаним обод бұлмаса бұлмас,
Қашшоқ әлим охири навзод бұлмаса бұлмас.

Иүқдур ҳеч иложи, орзу чиқар рүёбға,
Вайрона бадалида шаҳар бунёд бұлмаса бұлмас.

Күп ринд жафо ичра тан жисмини билмас,
Охири бұлиб ҳүшшөр, озод бұлмаса бұлмас.

Дайр аҳли наздида, бу дун ҳар лаҳзада нобуд,
Дахшатли калисо низ барбод бұлмаса бұлмас.

Эй пири мүғон, майкадани йұлы қаёнда?
Сармаст үлиб ишқ газали ижод бұлмаса бұлмас.

Барно құлиға қоғоз бер, битсунки ҳукмин,
То элиға саодат иршод бұлмаса бұлмас.

* * *

Васвос ила шоҳни айлади аъмо уруш,
Шоҳни шоҳаншоқ қилишға айлади даъво уруш.

Жаҳонгирлиқ таманиоси шунча әрүрким,
Бу номардға Амирни айлади аъзо уруш.

Күнглиға ғулғула солди, не үйнілар күргузуб,
Қон ичиш иштахасин айлади аъло уруш.

Хон бечора урушни ҳамчу қимор үйлади,
Ютдуруб бор бутин, айлади яғмо уруш.

Истравшан устига ҳар йил черик бирла бориб,
Эл бошини қуббалаб, айлади ғавғо уруш.

Шоҳдин шоирлиқ отин юви охири қурунг,
Шоҳни мот қолдуруб, айлади савдо уруш.

Орзу Барнога шулки, бу Амир шоир эрур,
Шеър шамшири ила бўлғуси нопайдо уруш.

* * *

Бустонимға ғазаб бирла ғазо деб келди қиши,
Шум ажални қосидиман, тут азо деб келди қиши.

Яшнаган гулларни ҳайбат бирла сўлдурди ғаюр,
Қошу мўйлаб музлаған ҳолига «вож» деб келди

қиши.

Ез фаслидин намуна бир фаровон куз эди,
Қаҳратон буронини олдиға солиб келди қиши.

Сардарахт яфроқларин олтун каби ҳар ён сочиб,
Раҳмсиз топтаб, оёғ остиға олиб келди қиши.

Нотавон кўп жониворлар үрмалаб юрган эди,
Ҳайбати бирла бу мазлумларни чолуб келди қиши.

Йўл тополмас эрди айғоқчи йўлин кўрсатмаса,
Посбон ғафлатда қолғанга қувониб келди қиши.

Нозу неъмат лаззатидин қон юргургай ранигига,
Қонсираб, ҳолдин кетиб, бўздек оқориб келди қиши.

* * *

Гар ой ғарб тарафидин қилур бўлса тулувъ,
Ҳам офтоб у ердин саҳарда қилса тулувъ.

Ҳамон ўйлама маҳшар бўлур дебон ерда,
Бўлур янгича дунё, замон этса тулувъ.

Бу моҳ кечаси кўкда турар шуъла сочиб,
Мағрибға ботгай ўшал он қуёш этса тулуъ.

Қуёш эрта чиқару ғурубга бош қўёр,
Умрини охири ҳар кун ҳазор этса тулуъ.

Қачонки нури саодат чиқар бу оламға,
Кунини кечаси бўлмас ҳамон этса тулуъ.

Нурини мингига ошурғай заминга сочмоқға,
Қишичка ёз бўлурмиш баҳор этса тулуъ.

Бу кунда отун улишдин у куннинг шогирди
Барнога афзал эрурди амон этса тулуъ.

* * *

Ҳижронимда ёниб турган шамчароғ,
Ман бирла тенг тортуб турур ғам чароғ.

Кўнглумдағи чўғим каби ўчмайин,
Кечалари манга бир ҳамдам чароғ.

Куз ёшини тўкуб йиглар ҳолимға,
Изтиробға тушганда ҳар дам чароғ.

Ман оламни зулматда деб инграсам,
Қаро кийиб тутадур мотам чароғ.

Мижгонини чизғинидин сиёҳий
Бериб бўлгай дардимга малҳам чароғ.

Жон берурда деюр, оби дийдамдин
Қувват олуб, ёнур лак-лак ҳам чароғ.

Ҳамдамимнинг сузи мани аллалар,
Дилшод улсам ёнар бир олам чароғ.

* * *

Ўзини эл ичида сўфинамо этди вараъ,
Жазаба тутса қўлини сўйин само этди вараъ.

Кўзларини юмдурнибон мухлиси гумроҳни ҳам,
Тилини гулдуратиб чуну чаро этди вараъ.

Гар дуо изласа бир омийи пур жафопеша,
Иўлидин оздурубон бир бевафо этди вараъ.

Кирса шифо излаб агар бир мариз савмаа аро,
Самъ тузуб саҳл дардини бедаво этди вараъ.

Шаръ сўзин пеш этибон ўзида йўқ амал сира,
Үй-жойидин совутиб, бир мосиво этди вараъ.

Дин йўлидин бериб хабар нафс бандаси,
Ҳар ким гапурса йўлига беҳаё этди вараъ.

Савмаасидин юз угуруб, Барно борур майкадага,
Юргузолмай дин йўлига алвидоъ этди вараъ.

* * *

Эй малзикамо жоҳил, бу жамолингга туф-туф,
Ҳайф ўтубдур умринг, бу камолингга туф-туф.

Дунёни тушунмасдин соч оқарди, билмассан,
Ўтган умр никоби ул оқ рўмолингга туф-туф.

Ўз худопарастдурсан, қора дилда макринг кўп,
Элни алдашга фикринг, ҳасбу ҳолингга туф-туф.

Сўзлабон мазороту кўб зиёратинг доим,
Лафзда қироатвор қилу ҳолингга туф-туф.

Ишратинг ошурмоққа эл хунин сўруб топқон
Нақши уй, палосингу молу ҳолингга туф туф.

Мурғ каби умр кўрдинг кўп заиф камандингда
Ҳар нажас ғизонингдур, моҳу солингга туф-туф.

Ҷхши отга бир қамчи, санга юз минг ҳам ўтмас,
Деди дарғазаб Барно, думу ёлингга туф-туф.

* * *

Хаста кўнглим тафу този бир тараф,
Телба дунё ишва нози бир тараф.

Бир тараф ажзу бино овозаси,
Бенаволарнинг овози бир тараф.

Кулбалар ичра муножоту йиги,
Тамбуру даф, найни сози бир тараф.

Пойлуч манзил тополмай сар гаранг,
Таблада қуш асбу този бир тараф.

Ошиқи бечора йўлда жон узар,
Сохта дилда ишқбози бир тараф.

Бу фалак кажравлигини қўймади,
Мазлум эллар арзи рози бир тараф.

Бахтини Дилшод исёндин топар,
Ҳақини айтур сўз гудози бир тараф.

* * *

Бою эшон оллога қул,
Оми одам муллога қул.

Худога қулман, дейди бой,
Асли мақсад тиллога қул.

Бой баччалар пулга тўймас,
Отасидек суллога қул.

Тұқлиқ чиқарғуси шүхлиқ,
Базм, ичкилик, яллога қул.

Халқ ризқини гулин ерлар,
Яхши овқот хуллога қул.

Авом ичра важду самъ
Шайхлар макру ҳиллога қул.

Барно, ионгуси ҳар ким
Чиндин әрса оллога қул.

* * *

Телба күнглим доим ғамнок,
Шул сабабдиндур давримиз бебок.

Рұзгорим мактабим бұлди,
Илм олсун соҳиби идрок.

Бизга мактаб этди рұзгорин,
Жабрдин айлаб яқосин чок.

Ким қидирди ҳақ адолатни,
Золим ичурди захр ила тарёк.

Сарватини муфтыхур олгач,
Бенаволар күшонур тун шок.

Ҳоким эрди минг қабохатдин,
Марг тотти Ковадин Заҳжок.

Етма, Дишод телбалик айлаб,
Чиқ адолат йұлиға чолок.

* * *

Мулло айтса қандоғ әртак,
Анга бовар айла бешак.

Худо ўзи азал кунда
Бойни бино этган зийрак.

Камбағални рузи мисоқ,
Рұхини низ этти тентак.

Шул сабабдні боёнларға
Кийдургуси кимхоб, ипак.

Тентакларни ёмон күруб,
Ун үрниға берди кепак.

От ғазотда қон кечади,
Юк ташыйди шүрлик әшак.

Әшак роҳаттаға улансун,
Барнодадур ушбу тилак

* * *

Найлайин ҳолимга бир йүл ёр парво қилмасанг,
Бу малоқат боғига сайр ила маъво қилмасанг.

Ишқ үти ёнған замон үчурмоқ учун сепгали,
На бұлурди ёшимни мисли дарё қилмасанг.

Раҳм этурсан ул йироқдин маҳзаринг қирин солуб,
Соврулурди кулларим гар бу муаммо қилмасанг.

Күзни юммоқлик маҳол үлди манга бу дунёдин,
Құрқар эрдим тири чашминг ҳукмфармо қилмасанг.

Тийра эрди рұзгорим ҳажри ишқинг даврида,
Равшан үлмас эрди юздин пардани во қилмасанг.

Ишқ бозорига кирмоқ бұлди одат ман учун,
Ким билур эрди ҳусн нархини савдо қилмасанг.

Құрқаман, Барно, бу ҳуснимни хазон этмоқ учун
Дүсти нодондек васл вақтини яғмо қилмасанг.

* * *

Шунчалар бұлур, ёрим, ёрни интизор этмоқ,
Меҳринг үтнин солиб, күйдурууб қуюб кетмоқ.

Софиниб жамолингни, васфиға ёзуб ашъор,
Лола яфроғи узра мижгон үқида битмоқ.

Ахтариб висолингни, тоғу чұлни сайр этдим,
Бормукин илож асло васлингга яқин етмоқ.

Ой юзлик нигорингни күйдурууб қуюб кетдинг,
Келгил әмди, бас, шунча ёр дилини ранжитмоқ.

Маңшуқани дардига ҳозиқ әзур ёрий
Сан начук табибдурсан хасталарни оғритмоқ.

Биймдин сира әмди, ваҳми йүқ ғаюр Барно,
Мумкин әрмас әмди бу ошиқини құрқитмоқ.

* * *

Фалакда йилтираб тууруди күзим,
Улуғлик илгіда әрди юлдузим.

Миррих ёниға бормоқ йүлини
Хирадманд оғзидин сұраған үзим.

Кун чиқмай ҳавони босғанда булут,
Күзини ишқалаб әрди кундузим.

Худоё, ёруглиқ ато айла, деб
Такроран чиқарди оғзимдин сүзим.

Эртадин кечгача қуёшни күрмай,
Мағрибда шафақға нигорон күзим.

Бир үзим умрбод күрмам зиёни,
Искандар мисоли бұлса мунгузим.

Қуёшни күрурман ер остида ҳам,
Дилшодман, қирқ қулоч әзур илдизим.

* * *

Сұрарлар табъи Дилшодимға Барно номин олганим,
Бу ҳұснім оразида хұб зебо нақш солганим.

Сочим сунбул деюрлар бу таним тоғида ҳилпирган,
Деюрман ушбу жорубим ила юртим супурганим.

Қошим мәхроби ичра сажда қылмоқ истади ёрим,
Дедім, күргілки, бу иккі жақон қурміни сұрганим.

Күзим ойинасига термулуб турса агар кимса,
Күрар әл кулфатининг фикратида үй сурганим.

Юзимда товланур бу қип-қизил қон олма монанди,
Билингким, күп шаҳидлар қонидин юзимга

суртганим.

Лабим лаълиңга боқма, бу юракдин томчидур асли,
Аламдин қон қусуб әрдім, лабимда боқи қолганим.

Деюрлар тишларинг, Барно, мисоли дур ва ё олмос,
Бу тиш мижгон үқидек зулм қылгучига отганим.

* * *

Жақоннинг бұстони Истравшан,
Ажайиб достони Истравшан.

Бутун оламға машхұр лалми бүгдойи,
Патири касирда нони Истравшан.

Хисоби йүқ узумзорини асло,
Муносиб бөгбони Истравшан.

Мударрис қошида таҳсил қылғай
Тамоми зөдагони Истравшан.

Машаққат бирла рұзгор үтказурлар
Ки, аксар хонадони Истравшан.

Амир қозиларидин бўлди дилгир
Тамоми посони Истравшан.

Ба озоди расад Дишоду бошад,
Кабиру навжувони Истравшан¹.

* * *

Оразинг, ёр, санга мавзуи шиор ўлсун,
Қоматинг диёrimда мавсуми баҳор ўлсун.

Форсий гуфтам абрӯи ту, гар сўзласам қошинг,
Бог аро икки раста гулу сабзазор ўлсун.

Туркий айтганим кўзинг, форсий — чашми оҳувор,
Кечаларда юзингга термулуб хуммор ўлсун.

Новакест мужгонат, форсий агар гўям,
Гулшанимда гирдогирд соқчилик қатор ўлсун.

Юзларингни тавсифин гарчи сўзласам, ёrim,
Бог аро занахдоним олмау анор ўлсун.

Форсии ба дандонат алқиёс агар орам,
Ар гулойингда шероза боби эътибор ўлсун.

Қўлларингда сочимнинг торини санаб боқдинг,
Соли умри Барноро зулмат ошкор ўлсун.

* * *

Бориб айтгил, ушал маҳлиқо албатта келсун,
Вақтни уtkизмай қошимға бир сабо, албатта келсун.

Богужуд йўл йироқдур, кўз тутарман кеча-кундуз,
Ман тарафдин ёрга қил илтижо, албатта келсун.

¹ Таржимаси: Дишод озодликна етармикан, Истравшанинг катта — навжувонларидан бўлармикан.

Йұлда бордур күп рақиблар, ишванинг душманлари,
Ботурана йұл босиб, қилмай ибо, албатта келсун.

Хамчу сарҳаддин ұтар мижгонларим сарбоздур,
Дедилар, сарбозга боқмай қиё, албатта келсун.

Хажр дардига гирифтому тараф таъжил этиб,
Васл дорусини қилмоқға даво, албатта келсун.

Хийлагар дұстлар құлида оқ яловлардур маҳоб,
Күтарай бошига ол ранглик ливо, албатта келсун.

* * *

Азалда ер учун қон ила жон сув,
Бинокори замину ҳам макон сув.

Вале Фарғона, Хұқанд ерларинда
Халойиқға балойи ногаҳон сув.

Чораки сув түсилғай, банд этилғач,
Үруб үтғай тұғондин паҳлавон сув.

Илмсиз рұдалолар берса фатво,
Одамларни ютадур бу ёмон сув.

Тұғонни тұсмогининг ҳийласига
Одам ерман деюрмиш шайтон сув.

Топиб Турсунбою Турдинисони,
Босилиб, тұхтар эрмиш бегумон сув.

Илохий, ер ютсун фитнажұни,
Бұлай Дилшод бұлганда равон сув.

* * *

Замона ақли ичидә эрур баъзи асов,
Бегига қылса хушомад биронта якка маҳов.

Одамлар ичра ажайиб ясаб ўзин аъён,
Кимки тұғри гапурса тилига солди гаров.

Құлида илму ҳунар йүқ, қуруқ ланини маддоҳ,
Бойларга қил деб итоат, умрни қилди эгов.

Демаким, биргинадир деб шу турфа айғоқчи,
Осондур этса насиҳат анга агар биров.

Они шериги бордур бозору масжидда,
Бири асов, бири пес, бири махов — бу учов.

Ҳаммоломга борса учовлон бизлар аъёнлар деб,
Гұлахда кулга бұянглар, бошига уруб күсов.

Түйларда иззат әтардин ҳазар қилур Барно,
Табақда ош құйиңдин зарур әрүр слов.

* * *

Икки мардум құрунур құзима ҳар бир гурух,
Ҳар гурух бир тоифа, ўзга бұлодур бир гурух.

Ақлу дониш кучимиз меңнат қилуб ҳуккомға,
Халқ аро жон бобида күблик қилодур бир гурух.

Майсалар ичра тикандек ёлпайиб бечиз, фақир,
Фойда бермас ердин лаззат олодур бир гурух.

Меңнату сарватларидин бенасиб муҳтож әрүр,
Бойга инсоғ бер деб, ҳақға ёлвородур бир гурух.

Муфт сарватлар туфайли түғён ұлуб минг фосидо,
Ұз диёрин рахнагарларга сотодур бир гурух.

Сабр ила умид әтар яхши мавсум күнларин,
Мехр ила ўз юртими жондек суёдур бир гурух.

Истаюр Барно бу оламда тириклик соҳиби,
Ұз яратган нозу неъматдин тотодур бир гурух.

* * *

Тонг маҳал чиқди ҳарамдин турфа моҳ,
Шеърият тожини кийган подшоҳ.

Таъзим этдик иҳтироми назмиға,
Лойиқ айлаб анга ҳурмат, иззу жоҳ,

Ким — дедим, Нодира, дедилар ани,
Енида Вайсий турур оламфаноҳ.

Ҳар бири минг шоира ўрнидадур,
Икави бирла тўлӯр ҳар боргоҳ.

Бир анор васфи учун минг оғарин,
Деб малика бир манга қўлди нигоҳ.

Шу билан етди бошим то осмон,
Қолабимға тўлди лиқ меҳри гиёҳ.

Даврасида ўлтуруб Дилшод эдим,
Айрулиқ этди мани ҳолим табоҳ.

* * *

Ажойиб дилкушодур Ўратепа,
Топилмас хушҳаводур Ўратепа.

Тияншон доманидин то ба Жайҳун,
Кушоду бар ҳаводур Ўратепа.

Қачон сайр этсангиз қиру адирда,
Ҳавойи пуршифодур Ўратепа.

Саросар ғаллазор ичра гиламдек
Қўринган гулнамодур Ўратепа.

Шаҳар ўртасидаги катта сойн,
Суви дардга даводур Ўратепа.

Шаҳар атрофи богат бе сару ҳад,
Узуми тўтиёдур Үратепа.

Хуқанда кун кечурди гарчи Барно,
Хуни нофига жодур Үратепа.

* * *

Эй сабо, қўзғотмагил сарвингни авроқ устина,
Бу ғубор ўрнашмасун боф ичра яфроқ устина.

Қўрқаман ой остида пайдо бўлур холи сиёҳ,
Парча доф ўлған мисоли буржи байроқ устина.

Игнадек доф ўрнаса бу кишвари Фарғонаға,
Чўғ босғум доф солған ҳамма бармоқ устина.

Шарбати кобин қурутса ёрдин айлаб жудо,
Боз чанқоғим ошурса шунча чанқоқ устина.

Чўли саҳродек маконим эслатур дил масканн,
Жон қуши гул топмағай қўнимас бу янтоқ устина.

Бу ватан дардини айтиб, соз чолғоним учун,
Зулм ўйнар кеча кундуз барча муштоқ устина.

Назм дарёсиға чўмдинг, сайд бўлмоқ тақдиркан,
Нақш эт, Барно, бу номинг банди қармоқ устина.

* * *

Куз бўлди ҳаёт йилин баҳори,
Лайло кабидур иқлим наҳори.

Яфроқ юзи тирналиб бу қошға,
Пир-пирагучча эмас мадори.

Гул нахли хам ўлуб ғаму аламдин,
Бошини солуб қиласи зори.

Андин на ўлурди ғунча сүрмөң,
Күз ёши оқиб бўлурки жори.

Кимлар анга бу ситамини қилмиш,
Сўрсангиз имо қилур зор сори.

Ул буми шум қунибди гулга,
Захр ўлмиш ғунчасин ғубори.

Гулдек юзи сарғайиб бу — Барно
Деди: «Бошимиздадур зулм бори».

* * *

Қўлимға олиб соз, ялли,
Қилгум қўшуғим оғоз, ялли.

Бу ялли-ялли Истравшан,
Бу ялли мисли шаҳноз, ялли.

Бу ялли-ялли Хўқандтур,
Ҳам ялли Олмосу Понғоз, ялли.

Бу ялли-ялли Самарқанд,
Хофизға ўлур дамсоз, ялли.

Бу яллини гар эшилса боғбон,
Анга қиши ўлур чу ёз, ялли.

Деҳқон эшитиб қолурса ногоҳ,
Саҳроба қилур парвоз, ялли.

Барно ўзидур хушрӯй азалдин,
Шеърида йўқдур пардоз, ялли.

* * *

Қош деган мундоғ қаро, нилдек намудор ўлмагай,
Мижгон үқи зич тамому тиги хунхор ўлмагай.

Юзда оқлиқ, ўзда қирмиз, олма нақшнигори,
Қон ўйноқлаб күзингизга, шафақвор ўлмагай.

Юз ила лаб орасида бир ҳабаш сарбоздек,
Күз тикиб жонингиза тирик ситамкор ўлмагай.

Иил-йил кулдургучи ёшинмачоқ ўйнар эса,
Лаб чўзиб, меҳр ўтидин юраклар абгор ўлмагай.

Икки ой бир-бири бирлан ўпушиб турган каби,
ЛАъли лаб шаҳдин томузуб, кўп шакарбор ўлмагай.

Тиш чаман тоқидаги шероза монанди бўлуб,
Чоки қандил гирдига тизган садафвор ўлмагай.

Ҳуснига одоби низ кўп доли гул тушган каби,
Табъи Барно узра зебо хулқу атвор ўлмагай.

УРАТЕПАГА ХАТТИ МУШТОҚОНА

Эй туғулған манзилим халқи, омон хуш бормисиз?
Сиз ҳам әмди мисли бу шаҳри Ҳұқанд хуш бормисиз?

Биздағи ҳукмронлиқ ўзгарди, келди бу ўрус,
Қолған умрнингизда андак бегумон хуш бормисиз?

Эски пучак пулни эски деб баралла айтингиз,
Янгиси пучак бўлгунча алъамон хуш бормисиз?

Эмди қўлдин қўлға ўтмас шаҳринингиз, қишлоғингиз,
Ўз ватанда ёр-офайни жовидон хуш бормисиз?

Лек андак хирилиқни бартараф қилмоқ керак,
Эски понсадларға зидду бирзабон хуш бормисиз?

Икки аждар тил упушса балданы вайрон этар,
Бошини янчмоқ йүлида беамон хуш бормисиз?

Оқым, аҳли илмдин футр кетди, во дариг!
Боамал иш тутғучи ҳеч олимон, хуш бормисиз?

Эмди йўл очуқ, келинг Хўқандға, хешу ақрабо,
Сизки Барно шаҳрида ҳар хонадон, хуш бормисиз?

ТАРИХИ МУҲОСАРА

Мани мазлум бу юртумдин ажаб сарсон бўлуб
кетдим,
Мисоли гунжишк¹ дар қайди бир қапқон бўлуб
кетдим.

Бу ўн етти ёшимда айрилиқ тушди маконимға,
Амири золим илкига тушуб, нолон бўлуб кетдим.

Қари момом қолуб жағора ичра бехабар мандин,
Ўзум побанди мазлумман, кўзум гирён бўлуб кетдим.

Аё, эй Истравшан халқи, уйғон, ухлама ҳаргиз!
Сани аҳволинга беҳад ўзум ҳайрон бўлуб кетдим.

Булуб мардона, отлан, кейиннимиздин интиқом олғил,
Манам монанди бир гўшандай марвон бўлуб
кетдим.

¹ Гунжишк — чумчуқ.

Халойиқ, борсангиз Хұқанд сари ҳеч рахна
солмангиз,
Икки эл үртасига соқиби ирфон бұлуб кетдим.
Ұшал ер халқи бирла бир бұлуб, бир тилда
бұлсангиз,
Күшойишлар бұлур, деб дилда бу армон бұлуб
кетдим.
Үзум юртумда Дилшоду мусоғирликда не кечгай
Ки, сар то по баражна йүл бүйі ғалтон бұлуб кетдим.

МАСНАВИЙ

ХОТИМАИ МУНТАХАБУЛ-АШЬОР

Мани аслым эрур оламға равшан,
Таваллуд манзилимдур Истравшан.
Самога бош урмиш барча тоғи,
Эрам нақдинаси оламда боғи.
Адирларда күринур мисли чұғдай,
Жақонға манзур үлған лалми бугдой.
Ұшал равшан шақарни қизи әрдим,
Ұшал тоғлар аро юлдузи әрдим.
Үзумзор ичра үстгап әрдим озод,
Онам қўйнида әрдим шоду Дилшод.
Таваллуд минг икки юз үн беш әрмиш,
Үтуз икида мулкимдин айирмиш.
Умархон ном золим, номи шоир,
Чиройимиз күруб, ул бұлди жобир.

Кетуруб бу Хўқандға ул пиёда,
Ситамни солди бизларга зиёда.

Ҳамани Шаҳрихонға ҳайдадилар,
Мани хон ўрдасиға ҳайдадилар.

Бу ҳусним бўлди бошимға ситамкор,
Мани чорлатди қошиға у жаббор.

* * *

Деди: «Шоира дейдилар отингни,
Манга билдур басо асли зотнгни?»

Дедим: «Юртимда Дилшод эрди отим.
Амир тигида яксон бўлди зотим».

Деди: «Ушбу аиорға не деюрсан?»
Дедим: «Қизлар хунидин тўлдирибсан».

Бақирди, кирди эшикдин маҳрам,
Деди Хон: «Шармандани берғил барҳам».

Элитди, зинданбонга топшурди мани,
Ул девордин четга ошурди мани.

Бўлдум озод илгидин, қолдим тирик,
Ушбу кулба аҳлиға бўлдим шерик.

Ингирма йил мактаб очдим қизлара,
Хирсим баланд бўлди доим ашъора.

Ўзум битдим мингдин ортуқ ғазални,
Зикр этиб ўтдим охир азалии.

Минг уч юзда кузга етди баҳорим,
Билмадимким, қачон келгай наҳорим.

Доим руҳим замон учун дод этар,
Анбар отун охир мани ёд этар.

МУХАММАСЛАР

НАВОИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Анбар отун лабларин лаъли бадахшон айлагач,
Тишларини чун садаф дурри зарафшон айлагач,
Икки наргис кўзини ҳамчун дурахшон айлагач,
Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанироқ бўлур торин паришин айлагач.

Қай куни раъно юзингни абрдек тусди ҳижоб,
Бу бошимга ноумидлик куйидин келди азоб,
Телба кунглим бўлди ахгар, бўйи чиқди чун кабоб,
Тиф ила пайконларинг етди кунгил бўлғач хароб,
Сув қуюб, тухм экдинг ул кишварни вайрон айлагач.

Ҳеч раҳм этмай йўлумга тезладинг куб тозини,
Кўплашиб сайд этдилар бечора кўнглим ғозини,
Шуйла хушнуд айладинг сан шум рақиб ғаммозини,
Қон эмаским, ёпди гулгун ҳулла жаннат хозини,
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.

Бехабар эрдим, узи тушимда жавлон айлади,
Сабзалар узра чу товуси хиромон айлади,
Аввалида, юз ёшуруб мани сарсон айлади,
Охири кўргузди юз, олами ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгул, кўзимни ҳайрон айлагач.

Тийра новаклар ила кўксумни қилди чок-чок,
Дил маконига кўзин ташлаб, деди ичи ковак,
Ваҳки, бу дил риндлар дайри каби гори мағок,
Жонда қўйғоч нақди ишқинг қилди кўнглумни

ҳалоқ,

Ўлтуур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.

Тангри гар ул гул юзини шунчалик шўх этмади,
Онинг ишқида нигорон ошиқин чух этмади,

Юзини кўруб бу Барно, мунча андуҳ этмади,
Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас, недурким, қон келур оғзингдин афғон айлагач.

* * *

Саводинг чиқди, хат ҳуснин чиқориб олмадинг,
Барно,
Дилингга илм қувват берди, олиб қолмадинг Барно,
Замоннинг норасолигин дадил айтотмадинг, Барно,
Ва лекин чистон ёзиш ишида толмадинг, Барно.
Ўшал чистонларинг магзини ҳеч чақолмадинг, Барно.

Жунун илмидин андак чиқарғанман саводимни,
Фақат ушшоқ муаммоси олибдур ҳушу ёдимни,
Куним ҳам кечадек, зулмат ҳарифи олди
шодимни,
Нетайким, додхоҳим ҳеч эшитмайдур бу додимни,
Сан ҳам бир йўл бу додимға қулоғинг солмадинг,
Барно.

Бориб айтгилки, ёрим ҳажр дардини давом этсун,
Мангага ишқ нозу андуҳин йироқлатмай мудом этсун,
Мани ошиқлиғимни бир йўла ул эҳтиром этсун,
Бу жон чиқмоққа етканда «нечуксан», деб калом
этсун,
На чанд айтдим санга, шундоғ жадал айтотмадинг
Барно.

Билурман ишқ бобида рақибимдин сабоқ олмиш,
Суюкли ёримни куйдургали уйлуқ табақ олмиш,
Манидек дўстларни жазосига фалак солмиш,
Жунун сахроси ўринига балолардин қамақ солмиш,
Сан ишқ риндлари ҳолидин ибрат олмадинг Барно.

Ажаб ёрики, риндлар дайриға келмак җавас қилmas,
Ва ё жабрини жабборлар қатори пешу пас қилmas,
Ақал күнглимини олмоқ-чун бирон яхши нафас
 қилmas,

Гадолар ҳолиға бир йүл үзини додрас қилmas,
Сани айбингки, бўйнунгга ридосин солмадинг, Барно.

Кел әмди, ишқизларниң қаторидин чиқиб кетгил,
Сан ҳам пири муғон йўли илан майхонаға етгиш,
Олиб илгинга жомин, бенаволарга қадаҳ тутгиш,
Тирникликда «шароби антаҳуро» деб ғазал битгиш
Ки, шайху шоб олдида узр айтмолмадинг Барно.

* * *

Энг яқин дўсту азиз, ҳамдарду дармондур китоб,
Ҳамдамим, ҳамсұхбатиму ҳам қадрдондур китоб,
Манга илм ўргатгучи устод, билимдоидур китоб,
Дил ғуборин артгучи ғамхўру жонондур китоб,
Танда жоним хизматига рагдаги қондур китоб.

Ҳар китоб ҳар турли маъни бермоги таълимидин,
Бир китоб баҳс этса илму маърифат таърифидин,
Ўзгаси сўзин адаб аҳлиға қилур тақдиридин,
Ҳар бир олимниң китоби илмни тавсифидин,
Адлу инсоф жорий этгай, ҳукми султондур китоб.

Шайх тасбиҳидин афзал, илм такрор этгучи,
Шахс унвониға лойиқ илм изҳор этгучи,
Бўлиған афсонадин оламни безор этгучи,
Ҳар ҳақиқат бўлса оламға падидор этгучи,
Олими пурдида, донишманд — луқмондур китоб.

Ўқуғонда масту мустағриқ қилур хонандани,
Жонига роҳат берур ишқ сўзини донандани,
Тақдирини билдирур, ҳушёр этадур бандани,

Сиррин очиб ташлағай кажқул бирла жандани,
То абад дил тоза бұлғай, нури имондур китоб,

Тухми ирфон кишт эткизган зироат бобида,
Ужби тавфиқ касида қылғай чин риёзат бобида,
Дунёнинг меҳрини қўйғай ул бизоат бобида,
Яхши ниятларни кўзлайдур ижозат бобида,
Одамилик жисмида бир яхши дәҳқондур китоб.

Очсангиз авроқини кўрингусидур турфа боғ,
Жилва бергай кўзингизга навбаҳор фасли бу чоғ,
Кўнглингизга рўшнолиқни кетургай бу чароғ,
Шодлиқ босиб кўнгилни ҳеч қолдирмайди доғ,
Доимо бўстонни яшнатғучи боғбондур китоб.

Бу замонда ҳамдами роз ўлмағач, ўқиш керак,
Ҳар китобни ўқиганда маънисин уқиш керак,
Андин ўрганиб адаб илмин, ғазал тўқуш керак,
Норасолиқни жаҳонда бихини қирқиш керак,
Илмсиз афсунчиларға тийри паррондур китоб.

Ўқуганлар орасидин кўп билимдонлар чиқар,
Маърифат илмини тарқатғучи гапдонлар чиқар,
Ердин кимё оловчи кўп дәҳқонлар чиқар,
Мазлум эл баҳтига кўп-кўп пир донолар чиқар,
Муштипар Барно Хўқандийдин бу достондур китоб.

* * *

Толеим кулсун, таманно фикридек бўлсун ҳаёт,
Элу халқ ҳукмида ёзған зикридек бўлсун ҳаёт,
Ишқ аҳлининг умиди меҳридек бўлсун ҳаёт,
Муғбачани(иғ) жом тутган илгидек бўлсун ҳаёт,
Қалби равшан бу сахий кун нуридек бўлсун ҳаёт.

Эй қамар, юздин кўтар бурқаъни, олам яшнасун,
Ҳур юзинг кўрган ҳамоно жумла одам яшиасун,

Ман ила ҳамроҳ бир ҳамкор, ҳамдам яшнасун,
Манга осон тутмасун, ҳар булҳавас ҳам яшнасун,
Не учун девонадурман, билгулик бўлсун ҳаёт.

Базми ағёр ичра бир йўл гул юзингни кўрганим,
Шум рақиблар пешгоҳ, ман пойгоҳ үлтурганим,
Хизматингда даст алиф-лом, эҳтиромда турганим,
Бошима бўлди бало бир илтифотинг сурганим,
Ул балолар дафъ бўлуб, кўргулик бўлсун ҳаёт.

Илтимос улдурки бу маъюсларинг ҳолини сўр,
Зулфинга боғланган ул маҳбусларинг ҳолини сўр,
Остонингда боши, побўсларинг ҳолини сўр,
Но умид этма ҳама афсусларинг ҳолини сўр,
Ҳар ғариб аҳволини нек этғудек бўлсун ҳаёт.

Санижозат берки, риндлар борсун майхонага,
Ағёrlар алфозидин ишонмагил афсонага
Ким, алардин тушмагай кўзи ул кошонага,
Тори зулфингни илинтурса бу мижгон шонага,
Риндлар дайрига дархон ўтгулик бўлсун ҳаёт.

Ишқ сўзини Навоийдин ўқуб, таълим олуб,
Ҳажр дардига даво излаб, аёғимдин толуб,
Боргоҳинг остидин ўтмакка он жо қийнолуб,
Телбалар тубига қўшулдум манам ақлим озуб,
Эй табиб, дору ичир, кун кўргулик бўлсун ҳаёт.

Раҳм қил, йўлингдаги ошуфта бу Барно учун,
Пойибанд бўлсун аду умрида бу Барно учун,
Ташла зулфинг торидин бир ришта бу Барно учун,
Дору қил гулгун висолинг хаста бу Барно учун,
Сан ила сухбатда даврон сургулик бўлсун ҳаёт.

* * *

Дўстлар, ёпрулдн кам-кам ўлкага вабойи малаҳ,
Мулки Фарғона срига ёпушти балойи малаҳ,

Боғлар япроғи қолмай емирди пойи малах,
Ерларда экинни қурутди тийри жафойи малах,
Эл ичра бўлди мусибат бу корнамойи малах.

Ерсиз, уруғсиз, уловсиз чорикор ўзи,
Сувсиз чўлларда экин экар лалмикор ўзи,
Ёвғон гўжа ичарға пулсиз мардикор ўзи,
Оғир меҳнатга розиу начор ўзи,
«Дард устиға чипқон» деган сингари сазои малах.

Сўхдин Хўқандға сойлар оқар қатор ўлуб,
Аммо сувнини бергай эгалариға бўлуб,
Анҳори доим оқадур бойларда сувга тўлуб,
Кимнинг раҳми келарки батрак ётур ўлуб,
Сувсиз ерларда расми кўп бўлур жои малах.

Хукумат ўз айшу нашоти ила оворадур,
Бойлар уйида ўюн, қўшуқу нағорадур,
Батрак ҳосил ололмай кўкси садпорадур,
Дод этса кимсага, етмас эмди на чорадур,
Қандоғ бўлур охир Хўқандда давои малах.

Эй батраклар, бош кўтариб ғулув қилинг,
Бу бало ила азтаҳидил жангига жў қилинг,
Қирғунча бу жангни шому сабух қилинг,
Ватанин шод этиш учун кўп қайғу қилинг,
Кутманг сиз асло осмондин жазои малах.

«Қазоу қадар» деган сўз ҳама афсонадур,
«Жафога рози бўлунглар», деган бегонадур,
Мардона бўлмоқ керак, бу нўноқ замонадур,
Кимки янги замонни чорлар, ўзи мардонадур,
Барно дер: янчингиз золим хайлин бажои малах!

* * *

Ҳар лаҳза умринг баҳам топурмиз,
Ҳар қатра сувдин баҳра топурмиз.

Қоронғу тунда бирга ётурмиз,
Ев күксига ҳам бир тир отурмиз,
Мани үстирган Фарғонажоним.

Жоним тасаддиқ Фарғонажоним,
Кўксингда ўсдим гулгун Қўқоним,
Сан бирла яшинар еру жаҳоним,
Бағрингда мавжуд мулку маконим,
Юзингга кулсун охир замоним.

Ман санга доим мунису ҳамдам,
Лаҳза насиминг дардимга малҳам,
Ҳар қатра сувдир минг оби зам-зам,
Кўп меҳру шафқат санда мужассам,
Фарзанд эрурман, сан онажоним.

Офтобу ой ҳам ҳуснингга ошиқ,
Муҳаббат аҳли меҳрингга содиқ,
Аммо билурсан мавжуд фосиқ,
Тўфонда қолсун ўшал мунофиқ,
Минг йил омон бўл доруламоним.

Эй жонажоним, ҳеч бўлма диққат,
Бу жабру зулмат албат муваққат,
Кетар бошингдин барча мashaққат,
Замона қилғай охир бир шафқат,
Кўнглимда йўқдур зарра гумоним.

Адаб уйини қилайлик обод,
Зораки бўлсақ қайғудин озод,
Мушоиралар бўлганда бунёд,
Ғазал ўқисин бечора Дишод,
Нобуд бўлсун оҳу фифоним!

* * *

Аlam ўтидин куёдур жаҳон,
Дуди оҳ ила тўла осмон,
Бетоқат ўлуб чекаман фифон,

Манга раҳм этиб йиглайди макон,
Титроқ босадур замину замон.

Фаргона эрур ном бу диёр,
Рухсоридин ҳеч кетмайди ғубор,
Кундузи эрур ҳоли беқарор,
Тунларда йиғлар абри навбаҳор,
Қўксида манам шундог беомон.

Хуршид юзини тусади саҳоб,
Семурға ханжол ургандек уқоб,
Нур сочолмай бўлади хуноб,
Деҳқонларини аҳволи хароб,
Машриқ суйида шурлик Андижон.

Баёнларимиз нафса овора,
Тугёни ошиб то бора-бора,
Атлас тўқифан қизи бечора,
Ясанмай юзга суртади қора,
Қора куиларга қолди Марғилон.

Фоҳишабозлик қанча нафс ит,
Қизлар қатори хурланур йигит,
Мўйлаб чиққунча кўрмайди ҳайит,
Эй худо, эмди оҳимни эшит,
Қандай балога йулиқди Қўқон.

Олма анору мевалар кони,
Аммо мевага зор боғбони,
Буғдой нонини кўрмас деҳқони,
Пахта экади йиртиқ чопони,
Фаргона замин ҳусни Намангон.

Қисқа мухаммас битди бу Барно
Иборат мағзин чақади доно,
Эй ушбу ғазал уқуған жоно,
Эл хизматин этиб, бўлғил тавоно,
Фаргона замин бўлсун алъамон.

Бу фалак ҳаргиз мани дардимга дармон айламас,
Е табиби хозиқимни ҳеч қадрдон айламас,
Мушкилим күпдур, ақалли бирин осон айламас,
Орзуйим борасида ҳаргиз имкон айламас,
Манга ҳиммат илгидин бир йұла әхсон айламас.

Дод деб қичқирғанимға раҳм этмайди фалак,
Ишқ сиррин үйламақдин қонға тұлди бу юрак,
Ер останыға етмоқлиғни дил айлар тилак,
Шум рақиблар дастидии йұл излаб үтмоқлик керак,
Бу тилакнинг борасида фикр чандон айламас.

Субҳи үлмайди туним, ҳаргиз ёришмас бунда шом,
Бу ҳабашни лашкари ошиқдин олур интиқом,
Саф тузиб күз манзарида, құлида тиги наём,
Телмурууб йиғлаб турарман, ташнаман, құлымда жом,
Ховари тун лашкарини несту яксон айламас.

Шұр баҳтимға азизим юзни пинқон айлади,
Ваъда қилдию висолин, бағрими қон айлади,
Инглатиб ишқида күздин абры найсон айлади,
Охирни бу шум рақибим қасди бир жон айлади,
Ҳеч маъшуқа ошиқини бүйла сарсон айламас.

Эмди ёрим раҳм этиб, қинниға солсун тигини,
Ногақон бир зарб ила қирқмай муҳаббат бихини,
Адл бирла үзи берсун шум рақиб таъзирини,
Шодмон үлғум, йұқотғум, қайғу бирла йигини,
Бу вафони дилбаримдин үзга султон айламас.

Бу муаммо қай куни ҳал бұлғуси, билмам ҳануз,
Ишқ ғолиб бұлмоғи, зулм кетгуси, билмам ҳануз,
Пардайи исмат охир йиртилғуси, билмам ҳануз,
Ой ҳам үздин ниқобин олғуси билмам ҳануз,
Найлайнин бу матлабим хуршиди тобон айламас.

Чархи қажрав түғри юрсун бу ғарип Барно учун,
Түғри йүллар номин айтсун ахтариб Барно учун,
Бахт қонуни ёзилсун үзгариб, Барно учун,
Ишқ өасли ҳам бүладур анқариб Барно учун,
Бу ниятни әмди Барно ҳеч пинҳон айламас.

* * *

Ер өаслини тиляб афғон этарман тонготар,
Хажру дард қофиласин меҳмон этарман тонготар,
Ишқ таҳтида үзимни султон этарман тонготар,
Фурқатим амири ила фармон этарман тонготар,
Хоби ғафлат лашкарин яксон этарман тонготар.


Кундузи бүлгүм висоли дардида зори шифо,
Хажр дардиға табибимдин тилярман бир даво,
Боргохи йулида йиғлаб туарман ман гадо,
Қувватим кетди танимдин зулм еткүзді жафо,
Боз қайтиб қулбани вайрон этарман тонготар.

Раҳм этиб ҳолимни сұрса ринди бечора агар,
Қуйқумин келтурса ичмайман дебон шаҳду шакар,
Масту мустағрақ бүлуб чексам агар оҳи саҳар,
Құзғолур ваҳима англаб, бу кеча аҳли шаҳар,
Қон тұкуб йиғлаб, құзим гирён этарман тонготар.

Воқиғ үлуб гар муғон пири чақырса қошиға,
Киргизиб дайриға, ҳамроҳ айласа йўлдошиға,
Амир этиб муғбачага, деса үтур ёнбошиға,
Орзу этгум бу пир умрини боз юз ёшиға,
Май ичиб, үзимни хұб хушқол этарман тонготар.

Ман гадоға гар мұяссар үлса риндер суҳбати,
Кетса ошиқлар дилидин зулм дардин ғурбати,
Бошлануб кетса үшал мұғбачани шұх санъати,
Гавҳари чашмимга түшса мұғбача холу хати,
Тасвириң, Барно, ёзиб достон этарман тонготар.







* * *

Едима тушди бу кун ёшликдаги тинчлик маҳал,
Онадин эмгандын сутим жисмим аро бўлганда ҳал,
Ўз диёримда тириклик айлаганим бир маҳал,
Умр ўткармак фаровонда эди рўзи азал,
Ногаҳон шабхун уруб тинчликка берди ёв ҳалал.

Бўридек изғиб келиб қўй қурага солди назар,
Ўғрининг ошкораси хон номидаги раҳнагар,
Дин сўзин муҳриға битган, ўзи динсиз ҳийлагар,
Тибба нақши илмида, кўнглида кўп шўру шар,
Одамийликни этиб ҳайвон сифотига бадал.

Дилда макру ҳийла, тилда дини ислом тақбири,
Қўлда тасбеҳу амалда журму исён тадбири,
Тушда кўриб, ўнгида элга ситамлар таъбири,
Йўлда тўзон кўтариб горат ишини тазвири,
Ҳукмронлиқда разолат ҳукмига этгай амал.

Ушбу алфоз ҳар йили осойиш аҳлини ранжитиб,
Гоҳи қалъани бузиб, ўғри мисолида кириб,
Шаҳр аро катта-кичини аёғ остида эзиб,
Гоҳи истеҳкомидин ўтолмаса сув оқизиб,
Раҳмсиз бир неча ой қалъани қилди қамал.

Охири кирди босиб бурию тулкидек гала,
Үйма-уй юруб либос, авқотини қилди тала,
Бу палидлар¹ дастидин қолмади ҳеч ёшу яла,
Кексалар фарёд этса, қатл этиб хом-хатала,
Ул жафожўларда бўлмас зарра дин — имон ақал...

¹ Палид — ҳаром.

* * *

Бу начук бустон күринди күзима гулзорсиз,
Ваҳ, начук муштоқлик куйган гамида ёрсиз,
Гулни танҳо ҳидламиш ошиқ ұзи гулёрсиз,
Күкрагига ниш урубдур, лек гулдур хорсиз,
Хоҳ ишқу хоҳ дарддур бўлмагай озорсиз.

Боғ ҳуснинг ярошур раста-раста гул занахт,
Ғунчалар хандон үлуб, кўп ғунча бўлса боз тахт,
Нозу неъматга тўюб турса яна кўп сар дараҳт,
Ҳам ҳаво соғ үлса, таъсир этмаса боди караҳт,
Бўлмагай мундоғ гулистан ҳеч қачон асморсиз.

Боғда кошона қурулса анжуман тузмоқ учун,
Лола юзларни бу ерга чорлаб ўтқузмоқ учун,
Хон тузуб гулгун қадаҳни майга тўлғузмоқ учун,
Ағёр хайли ўзаро бир сар-сари сузмоқ учун,
Мундоғ иш бўлмас муҳайё ишқисиз, асрорсиз.

Боғбон зийнат берур боғига ишқи бўлса гар,
Меҳнатини кўргузур гулшан юзида жилвагар,
Ошиқи дучанд муҳаббат борлиғин билса агар,
Маъшуқа албатта бўлғай ошиқига ишвагар,
Ёр ҳусни шуъла бергай зийнати атторсиз.

Боғ сарҳавзи бўлур кўм-кўк мусаффо сув билан,
Сув юзида ёр акси товланур ёғду билан,
Кўзларим нурин тўкарман кўргани орзу билан,
Ёрнинг акси олур ақлу ҳушимни шу билан,
Зулмига банд айлагай ёрим сани, сеторсиз.

Ишқ достони бўлур пайдо бу боғ таърифида,
Андалиб гўё бўлур хушхон бу боғ тавсифида,
Кўп санамлар йигилодур боғбон таклифида,
Шоир ҳам қўшилса, Барно айтган ташрифида,
Бўлмагай лаззатли суҳбат шонру ашъорсиз.

* * *

Чирог бұлуб ёндим, vale менга парвона боқмади,
Жон фидо қилай десам, аммо жонона боқмади,
Биргина ёрни деб үтдим, лек бегона боқмади,
Сабр этиб күз тутдим, ҳайф ким ёна боқмади,
Боқдим замона йұлига, замона боқмади.

Умрим утгунча ман ғарип замонни үйладим,
Фарғона юрти элиға омонни күйладим,
Тилим сұзлашдин қолгунча баённи сүйладим,
Еруғликни күрмак учун жақонни бүйладим,
Боқдим замона йұлига, замона боқмади.

Қуръон сұзи, ислом күзи фақат оғиздадур,
Бу замонда ризқу рұзи түқ оғиздадур,
Бойларни мақсадыға ҳукм, тұлуқ оғиздадур,
Бечора сұзға хаққи йүқ, сұлуқ оғиздадур.
Боқдим замона йұлига, замона боқмади.

Шайхи замонага бориб замондин арз десам,
Лозим аввал бойға бориб иона қарз десам,
Еки бошим аёғига уруbon назр десам,
Шайх насиҳатин олиб, зулм ўзини фарз десам,
Боқдим замона йұлига, замона боқмади.

Юмдим күзимни, эй қизим, дод деб замонадин,
Ингламагил бағринг әзіб, дод деб замонадин,
Дилшод үтмади ҳарғыз шод деб замонадин,
Барно үтдим йифлаб, фарёд деб замонадин,
Боқдим замона йұлига, замона боқмади.

* * *

Бу Фарғона замини чин гулистон үлгудай,
Бұстонлари гулу райхон, сунбул ила тұлғудай,
Эли хуррам шод үлуб, чеҳралари севгудай,

Кунлар офтоб, тунлари ойдин булуб тургудай,
Ҳар ким жаннат изласа нақдинасини күргудай.

Тоғдин ирмоқ шириллаб Норинdek дарё бұлур,
Күп норинлар құшулуб улкан Сирдарё бұлур,
Агар сувни эпласанг тупроги кимё бұлур,
Гиёхсіз ётган сахро мушти тұтиё бұлур,
Қани соҳиби ақлки, сувни чүлга бургудай.

Фир-ғир әсар кишварда жонға ҳузур шабода,
Аммо шаҳру қишлоқтар бұлса әрди озода,
Димоғларға дим ураг гармсел ҳам ҳавода,
Ҳавони тоза қымас одамларимиз сода,
Қачон бұлур билмасман тоза ҳаво юргудай.

Шаҳарни обод этган растада минг дүкон бор,
Ғарам-ғарам босилған бозор ичра кеппон бор,
Онда-сонда Мир гулшан бобосидин бүстөн бор,
Тоғлар ичра туганмас хазинау күп кон бор,
Хеч бир жойда макон иүқ бебизоат тургудай.

Кекса озгин, букчайған, бола-чаңа яланғоч,
Құл оёқлар мисоли синчалак, ё қалдирғоч,
Үй ич ҳама меҳнатда, аммо ҳама қорни оч,
Барно буларға зид бұл, оғзинг тарафдик үт оч,
Күйдурсун ҳаммасини мисли худо ургудай.

МУСАДДАС

Нұғой айтур: ман кабиларнинг мададкори қуёш,
Ҳар ғарibi нотавоннинг дүст ҳамкори қуёш,
Зулмат ичра инграган беморнинг ёри қуёш,
Яккалар юзига күлгучи бу дийдори қуёш,
Ҳар куни ҳолини сүрғучи харидори қуёш,
Ваъдасида турғучи ёри вафодори қуёш.

Бир куни келгайки манга ҳам мадад еткургуси,
Ұзгаларға айлаган меҳрин манга ҳам қилғуси,
Ул ёруғ кунларни бу кулбам аро еткургуси,
Қолабимға хүн беріб, ұлған дилім тиргузгуси,
Ҳар мадад сүрғучини ҳиммат харидори қуёш,
Ғамдин озод этгучи бир меҳр осори қуёш.

Парвариш этгум бу боғымни камолат топғунча,
Гулларин ҳиди машоми ёрни уйғотғунча,
Ҳар адаб ушшоқида мадҳу тараб құзғотғунча,
Хуршиди тобон муҳаббат уйини яшиятғунча,
Бошига келгүнчә ошиқвор осори қуёш,
Зарварақ бұлғунча бөг устида ҳар тори қуёш.

Вояга етганда беҳад лаззат ұлғай меваси,
Некбаҳт авлод учун күптар бу боғим шеваси,
Кечалар ойни хижил этгай хироми жилваси,
Кундузи маст этгуси хуршидни ҳар ишваси,
Ложарам ром ұлғуси боғимга сардори қуёш,
Бахти толеъ ҳукмини бергай ҳукмдори қуёш.

Битгил, эй Барно ҳамиша бөг аро сан ҳуснихат,
Битганингда мадҳ айтгил ишқ аро сан ҳуснихат,
Айлагил ишқ аҳли дардиға даво сан ҳуснихат,
Чун кабутар күкка бергил бир ҳаво сан ҳуснихат,
Езганинг бұлсун жаҳонда назму ашъори қуёш,
Ҳар ҳақиқат борасида бұлсун изҳори қуёш.

М У Р А Б Б А Ъ Л А Р

Фалакда сузгучи ой ёр қошидин ибрат ол,
Әр қошида иккі ой лабларида құш ҳилол,
Маҳалладин оққан сой әшик олдиға йүл сол,
Ерим лабин нобини зулолингга құшиб ол.

Сой лабида ўсгучи хомуш турган бир дарахт,
Авжингиз йўқ ўсушда, нега мунча сиз карахт,
Камол топар фурсатга қолған экан неча вақт,
Не сабабдин боши ҳам залолатда мажнунтол.

Том лабида мусича навбаҳорни чорлайди,
«Қу-ку» деб қишин ичи сайрамоқдин яйрайди,
Билмадим бу тарихни ёзу қиши қанчайди,
Бот фурсатда ёз бўлур қушлар учар форигбол.

* * *

Одамлар бор учун яралди олам,
Оlamни ясатиб турур шу одам,
Аввали бу олам эрди кам одам,
Одамлар тўлдирди ани дамо-дам.

Бир гуруҳ дарёдин қоздилар анҳор,
Қаҳратон урниға бўлди навбаҳор,
Одамдин нур олди ҳар лайлу наҳор
Тарихни ҳисобин топғон ҳам одам.

Рўзгорни ясатмоқ учун ҳар олот,
Тириклик ўтқизмоқ учун ҳам авқот,
Ер юзин тўлдирмоқ бобида зирёт —
Ҳаммасин ўйлаған инсон ҳам одам.

ФОРСИЙ ФАЗАЛЛАР

Чони ман хоҳӣ берун рафтан, озодӣ талаб,
Бар диёри хештан ҳангоми ободӣ талаб.

Маълум аст аҳволи ту дар қолабам маҳбуси ман,
Субҳу шом аз ғам гузар кун, соати шодӣ талаб,

Таппиши начуяро бас кун даруни ин қафас,
Дар дуо ҳар рӯз беҳбудию буньёдӣ талаб.

Фикр кун, эй ҷони ман, як ҷон чи сон таппиш
кунад,

Аввало таълим пурдону дили ҳодӣ талаб.

Раҳравӣ, дунболи пири кордидаreso бигир,
Баҳри озодии худ як хатти иршодӣ талаб.

Ҳусни хат, таҳлили хат, таҳрири хат омӯз аз ў,
Ҳамчу шогирди қадрдон илму эҷодӣ талаб.

Баски доностӣ насиҳатҳои ман ҳушъёр бош,
Дар қатори ҷони мардум рӯзи Дилшодӣ талаб,

* * *

Ёри вафодор, яке илтиҷо мекунам,
Ҳар муддао дорӣ ту ман бачо мекунам.

Зулфи сиёҳ дар қадамат ҷорӯби сунбул,
Кудурати ҳар ду дил мусаффо мекунам.

Офтоби ҷаҳон ишқи ман аст, эй ҷавон!
Ҳар рӯз бар ту ниҳон иқтидо мекунам.

Соҳиби ҳусни маҳтоб ҳаргиз зи ман рӯй матоб,
Эй қиблан ҳар ду меҳроб ибтидо мекунам.

Меҳри ту арши аъло, аз ҳар рутба боло,
Байрақи ишқ ҳар гоҳ бар ҳаво мекунам.

Эй соҳиби каромат, бубин ин садоқат,
Намонда сабру тоқат, нолаҳо мекунам.

Дар кун ёр Дилшод, ҳар лаҳза зору ношод,
Дар таҳти дор афтод, гиръяҳо мекунам.

САВОЛ АЗ ЛОЛА

Лолаи зардро бипурсидам: чаро ранги ту зард?
Сар бичунбонду бигуфт: сиррам бидонад аҳли дард.

Аҳли дардро ҳочати пурсыданӣ наввад раво,
Роҳати ошиқ ғаму кулфат зи дунъё чумла сард.

Боз пурсыданӣ зи лола, ту бигӯ акнун ба ман,
Рӯи дигар лола сурху дил сиёҳ, рӯи ту зард?

Гуфт лола: рӯи сурхи он бувад хуни ҷигар
Ман накардам рӯи худро сурх ҳамчун монда зард.

Номи мо як лола буда дарди мо ҳам чун яkest,
Ҷигари моён кабоб аст, баҳри маъшуқ он ки зард.

З-ин сабаб маскан бикардем дар биёбони адам,
Хор бар мо нест ҳар кас мечинанд ҳам сурху зард.

Гуфтамаш, эй лола, пурсыданӣ зи ту ман ду савол,
Ҳар ҷавобатроҳати ҷон шуд ба ман, дармон ба дард.

Ин мақоми ошиқи содик бувад фаҳмида шуд
Мешавам дар ҷустуҷӯ шояд шавам аз аҳли дард.

Сайри лола дар биёбон кардаму Диљшод шуд,
Ҳам сабақ, ҳам ибрату ғайрат ба ман пайдо бикард.

* * *

Дар орази оянда даврони нав баҳори нав,
Ҳамебинам ҳавои нав, сафои нав, канори нав.

Истиғнои шамсу қамар ниҳон гардад дар он замон,
Шаби маҳтобу рӯзи афтоб лайли нав, наҳори нав.

Кибру ҳавои Кайҳуну Ҷайҳун кучо дар он муҳит,
Дар даштамон ҷорӣ гардида дарьёни нав, анҳори

нав.

Занони мо чаврӣ буданд, бе модару фарзанди худ,
Ҳамешаванд ҳамшира, умеди нав, изҳори нав.

Мавзӯи меҳр ҳам дигар аст, вафои ў пайваста аст,
Васли нигор ҳам дигар аст, бар дидай хумори нав.

Ошиқ набинад ҳусни ёр, аз маъшуқаи ғамбарор,
Дар ҷамолаш шуъла диҳад, нури дигар руҳкори нав.

Афсус, Барно меравад аз ин ҷаҳони пурфион,
Кош расанд дар васфи он озод ҳар ашъори нав.

* * *

Акоиб гумбази афлок дидам,
Дарунаш мисли як ғаввок дидам.

Нашаста ҷандин аз ҳурпайкари хуб,
Дилаш пурхун, худаш ғамнок дидам.

Зи таб дар рӯи онҳо ранги оташ,
Ба дидор ошӯби зарнок дидам.

Ба рӯи ҳамма пӯшида ниқобе,
Ҳарир аз ҳайбати Заҳҷок дидам.

Ба рӯи он паририӯён нигашта,
Асар аз дидай намнок дидам.

Чунин ақлам шаҳодат дод онҷо,
Бихӯрда заҳр, ё тарьёқ дидам.

Машомам бӯи хун дониста Барно,
Тамом асрор бо идрок дидам.

АНБАР ОТИННИНГ ШЕЪРЛАРИ

ТАРЖИМА И ҲОЛ

Отам — Фармонқулийи Марғилоний,
Онам — Ашурбибийи Қўқоний.
Алар белбоқчи — бўзчи эрди касби,
Ҳамиша маккайидин эрди нони.
Ки, «бўзчи ёлчимас белбоққа» доим,
Яна жуфт бўлмас эрди бир чопони.
Бизоат бўлмагач уй эрди нотинч,
Санаб бўлмас эди жанжол сони.
Ҳайит келса ҳамиша ғавғо бўлгай
Ки, йўқдур янги энгилдин нишоне.
Арафа — ийди қурбон кечасида,
Ота-онам қўпорди галаёне.
Намоз куни иккиси айрилишди,
Бир уйча — ҳовлича сотдилар они.
Ман ҳам икки укам била бизлар,
Онам бирла бўлувдик сарсони.
Онам бирла қолиб биз кўчаларда,
Отам кетди ба шаҳри Марғилони.
Онам бир эрга тегди Бешқовоққа,
Уни бор эрди читгарлик дукони.
Яна боги бор эрди бир танобча,
Икки танобча ерда дехқони.
Мани тарбият айлаб, ҳам укамни,
Ҳамиша берди бизга буғдой нони.
Онам кўрди етти фарзанд андин,
Бири кўрқори бўлди кузи они.

Мани уйга чиқардилар шаҳарга,
Зоҳидхўжа деган новвой Қуқоний.
Ул нийз қашшоқ эди аввалда ўзи,
Қари катта оноси — моли, жони.
Қийинроқ бўлди, новвой ўзи танҳо,
Кунимиз ўтди андак: чойи, ноний
Мани фарзандларим тўрт бўлдию бас,
Мўминхўжам эди андак ёмони.
Бибихон — роҳати жоним, анисим,
Фариблик, дардмандлик дармони.
Етиб қолдим, мураббим бўлди шу қиз,
Анинг бирла топиб жоним омони.
Усмонхўжам — ҳалиму қобилимдур,
Ўқутди устод Хайруллохони.
Мани дардимга қўшди минг аламлар,
Вафот эткан қизим Оминахони.
Шу дард бирла адо бўлдим, ёронлар,
Бу ёш богим булиб тезда хазони.
На роҳат кўрдиму, на орзуни
Ки, ман йиглаб газал ёздим ниҳоний.
Аёллар ишқ сузини демакдин.
Ғазал ёзмоқдин ўзи эрди фоний.
Саҳҳофга ёлбориб неча варақни,
Китоб ичига жойлаб қўйдум они.
Кимеки кўрса, ёд этса зора,
Ёруғлик бўлса ул дунёйи соний.

ҒАЗАЛЛАР

Жаҳон — оғуга келган Анбар отинман,
Ғаму қайғуга келган Анбар отинман.
Ямон соатда келдим ман жаҳонга,
Инн жодуға келган Анбар отинман.
Адаб аҳли оёқ остида хордур,
Чунин ёғдуға¹ келган Анбар отинман.

¹ Еғи — душман.

* * *

Мендек ётма, уйғонгил, эй занони Фаргона!
Эрлардек бел боғлагил эмди бұлуб мардана!

Мани бошимдадурсиз, дүстлик қилурсиз,
Ғазалларимни тинглаб, худди парвона.

Бу дард мандин йироқ бұлишни истамас,
Ұхшайдур охири тұладур паймона.

Хасталигим яхши бұлди, ёронлар,
Құрмак учун сизғадур бу бир баҳона.

Паймонам қай куни тұлса агар, дүстларим,
Халқ ичинде үқуғайсиз ғазал, афсона.

Анбар бүйін бүғилмасун, эй гул, күксингда,
Ханда қыл ғұнчалар, күлсүн зәни замона!

* * *

Эй дүст, жақолат ахлиға ошно була күрма,
То келгунча бахту саодат шайдо бұла күрма.

Ҳар кимки үзин үйлади, әлдин хабари йүқ,
Ул аблаки бедин ила савдо қила күрма.

Илмеки адаб, ишқу муҳаббаттаға йироқтур,
Билгилки сан ул илмни асло била күрма.

Ҳар ким амали әл фойдасыға жори әмасдур,
Онинг юзини умрингда сан бир йұла күрма.

Ҳар муғбача даф чолса, аё Анбари хушрүй,
То ошиқ әмас, ишқида бағринг тила күрма.

* * *

Құй, ухласун әмди ул, якбора тонг отқунча,
Берсун таниға роҳат, гаҳвора тонг отқунча.

Ман сан ила уйғоқу, ҳамдам бу зулуматда,
Ул ҳоли хабарсиздур, бечора тонг отқунча.

Ул бұлса хабарсиздур, сан анга тушунтирма,
Ақли кирадур, бола, бир бора тонг отқунча.

Бизни құзимиз күкда ойни чиқишин пойлаб,
Нимжон ёрутиб тургай сайёра тонг отқунча.

Сергак кишилар билгай, үзлари сақар өфін,
Не кераги бордур ноғора тонг отқунча?

Анбар ҳидини сочиб, куйлаб үтирад доим,
Тонг нурини билмакка, ишора тонг отқунча.

* * *

Эй замон, раҳм айлагил, вақти заволимни құруб,
Яшнамай пажмурда бұлган нав-ниҳолимни құруб.

Қай куни бұлғайки, сан мандек гадолар ҳолиға
Айлагайсан бир тараҳұм бу маҳолимни құруб.

Хусни хубимми гуноҳим, шардан исматдами,
Кундузи ҳам тун бұлубдур лабда холимни құруб.

Е узун соchlарму бу зулматда ётган йилларим,
Ой үзин абр ичра солди қаро толеимни құруб.

Бир үзимни айтмагайман зинҳор, эй дүстлар,
Раҳм этнегиз зулмат ичра күп аёлимни құруб.

Дуди оҳим арш-аълоға чиқар, құргилки, шайх,
Анбарим бұлди ҳазин түсдек бу ёлимни құруб.

* * *

Аё, даврон ман ўлган сүнг, қилиб ёдимни
хушнуд эт,

Манинг кейнимда қолған барча авлодимни
хушнуд эт.

Адам тоғида Мажнундек Ширин ишқида жон
берган

Тирилиб келса ногоҳ, сийла Фарҳодимни,
хушнуд эт.

Нечанд ёлбордим эмди келмадинг умримни борида,

Агар келсанг таним йўқдур бу рухи ношодимни
хушнуд эт.

Қолур байтул ҳазаним, ҳамма аҳли кетур ташлаб,
Ўзинг кел қайтадин бу байти ношодимни

хушнуд эт.

Деворим йиқилиб, манзилларим қўшулмасун йўлға,
Тадорук қил, қадрдон шаҳри ободимни хушнуд эт.

Тараҳум қилки, авлодим ғарибдек бўлмасун асло,
Уларни сийлагил, бу хоки барбодимни хушнуд эт.

Ииқилмасдин бурун даврон, келур деб чиқдим
истиқбол,

Иулингда зор бўлған қадди шамшодимни
хушнуд эт.

Сани кел деб бутун умримда йиглаб жондин
айрилдим,

Сан ҳам Анбарни излаб илму ижодимни хушнуд эт.

* * *

Пойдор ўлсун жаҳонда хуш насими бўйи сулҳ,
Тушсун ушбу бустонға раҳсипори кўйн сулҳ.

Порлагай хуршиди тобондек ҳамиша нурлари,
Қайси ерларға қараса, ханда овар рүйи сулх.

Бу ўруснинг хокига кирмиш фарангি хомтама,
Зарба бирла ҳайдамишдур ютиға барзун сулх.

Эмди бу Гирмон кўтарди янги жангни дунёда,
Они ҳам ҳушёр этадур қуввату ўрдун сулх.

Раҳнагарлар тинмайин босқинчилиқда санқиса,
Иzlаридин нуқс қолдирмайди шусту шўйи сулх,

Анбаро, ул баҳри уммондин ариқ оч дунёға!
Тинчлик, баҳрин кетурсин сув каби ул жўйи сулх.

* * *

Шум ажалдин ҳам ёмонроқ жангарини саси тунд,
Тил учида ошнодур, аслида авзоси тунд.

Калтабондур¹ кўнгли вайрон ўз элининг душманн,
Бўлса-бўлмасға кир излаб, айлаган ғавфоси тунд.

Тинчлик душманлари ила сира сўзлашмағил,
Олди-берди қилса ҳам феъли ёмон, савдоси тунд.

Шаҳр ичра қўймангиз бегонани, эй дўстлар!
Қўй бўлиб киргай, чиқишда бўридек яғмоси тунд.

Ажнабий чет элга борса, шайхлардек порсо,
Усталиқ ила қўпоргон хийлаю иғвоси тунд.

Тундликни биҳу² бунёди ила нобуд этай,
Ҳар ёмонға зид бу Анбар ҳидларим, кимёси тунд,

¹ Қалтабон — Шохли ҳайвон, беномус, юэсиз деган маънода.

² Биҳ — томир.

* * *

Келиб хушнуд авлодим, мани мулким қилур обод,
Бу вайрона диёrimда шаҳарлар айлагай бунёд.

Дабистони улумни сар-басар очиб ҳар эл ичра,
Кенгайтиб таҳсилини, навжувонлар айлагайлар ёд.

Тўсиб дарё сувини, чўли бедунға юбориб жон,
Ҳама қишлоқ элини сув балосидин қилур озод.

Қаронғу уйда инграб ўлтиурму ман каби хотун,
Ҳама ашъорини овоз ила ўқуб, қилур ижод.

Момом — Вайсий ӯзини қайди бандда курди ҳар
ҳангом.

Қилиб Ҳўқондға риҳлат, рўзгорин айлади барбод.

Ажойиб Марғилонда аммасини курмади отам,
Бобом низ хоҳарини ёд этиб, айларди юз фарёд.

Келур вақтеки, хешованд жаможам кун кўрар
хурсанд,

Замонни(нг) хотини авлодини руҳи кўрар дилшод.

Даригоким, бу Анбар ўтадур кўрмай ул оламни,
Бу умрим бўлди кўтоҳким, фалак гардишидин
минг дод!

* * *

Таъсир этмас манга азалдин танбеҳи зоҳид,
То кўрмағайман хилватда бўлған андуҳи зоҳид.

Манким, эрурман огоҳ андин, эл ичра тақво,
Хилватда ишрат, нафс кўйида ташбеҳи зоҳид.

Ҳар ерда бўлса, лаби пичирлаб, қўл жунбишини
Эл кўзиға ул хавф ила ража¹ тасбеҳи зоҳид.

¹ Ража — умид, тилак.

Иўқдир ҳақиқат жазо берурға, макрин кўриб ҳам,
Шариат аҳли фаҳмиға етса танзиҳи зоҳид.

Қўрқутма, эй шайх, мазлумаларни дўзах ўтидин!
Манга аёндур иблис макони, макруҳи зоҳид.

Назм айламакни гуноҳ деюрсиз Анбарга доим,
Нечунки назмим тифи кесадур фиреби зоҳид.

* * *

Қай куни бўлғайки, бўстонимга бир меҳмон келур?
Гул очилған чоғида бир булбули хандон келур?

Қайси кун байтул-ҳазанимни ёрутмоқ соати?
Бу қаро горим ичига парпираб шамдон келур.

Аслида бўстон бўлиб, горига ўхшар тақлиди,
Чунки ғурбатдин асорат-бўйи қабристон келур.

Бор умидим бўстоним яшигай қайтиб яна,
Ман ила суҳбат учун Нодираи даврон келур.

Ул улуғ устод кейнидин манга меҳмон бўлиб,
Куйлашиб шоирлари қошимға юз чандон келур.

Бора-бора дашту саҳро ҳам бўладур лолазор,
Навжувонлар сайр учун албатта беармон келур.

Анбарим ҳидини бўйлаб, кайфидин хушнуд ўлиб,
Эвазига ман кабилар дардиға дармон келур.

* * *

Қиши кетару музи эриб баҳор бўлур,
Янги умр насимийки, навбаҳор бўлур.

Бу барча абр йўқолибон осмон (ҳам)
Саҳни кўнглумдек хўбу беғубор бўлур.

Қирларға зоф оёғи эмди тегмагай,
Гилами зумрад сингари сабзазор бўлур.

Наврӯзки қизлар учун сайил куни,
Монанди лаби лаъли, саҳро лолазор бўлур.

Ҳар қиз ул кунга етса ул некбахт (эрур),
Ҳусни камолиға етиб гулъузор бўлур.

Хуш ул сан каби, бу китобинг (Анбарой),
Ул дилраболарни қўлида шиор бўлур.

* * *

Эй болам, Хайруллахон мактаб очибдур, борингиз,
Албатта, шу янги мактабда ўқунгиз, борингиз.

Ерда ўлтурмай хорракда ўлтуурмиш болалар,
Тоза тургай уст-бошу жомайи дасторингиз.

Ўргатармиш турк тилида ҳар илмдин борини,
Келгусида шу билимлар бирла бўлғай корингиз.

Ҳар ўқушнинг маънисиға тез тушунсангиз агар,
Яхши муллолар каби олис борар рафторингиз.

Отажонингиз ҳамият берса ўқишға доимо,
Ул худо соғлиқда сақлаб бўлса доим ёрингиз.

Бибихон яхши қараб, ҳар кун жўнатса вақтида,
Яшнаса, мактаб қошида боғчаю гулзорингиз.

Болалар, озода бўлсангиз, адабли бўлсангиз,
Мушку Анбар ҳиди бергай куйлаган ашъорингиз.

ОЛИМЖОН ҲОЖИ ТАЪРИФИ

Аввалида ўқуб илм олди бу (доно) ҳожимиз,
Ўзини кўрсатди чун бир катта мулло ҳожимиз.

Мулк ичра, пул ичра судхурлик авжида,
Қорин ишкомба ишига бу на савдо ҳожимиз.

Пул кўпайди, ҳажга кетди, ҳожи ном орттургани,
Каъбадин қайтиб келиб, кўп бўлди расво ҳожимиз.

Эл аро ҳожи афанди, уйда шилким нафс бандаси,
Түрт хотун ўртасида бир ўзи танҳо ҳожимиз.

Бошида камроқ гуноҳи бўлса тавба қилғали
Борди, аммо хосларға бўлди аъзо ҳожимиз.

Ҳожи Мұхәйидек шариат ҳукмини пеш келтириб,
Ваъз айтиб, эмди қилди эл(ни) амо¹ ҳожимиз.

Эй, ҳалойнқ, тингламанг, айғоқчилар найрангини,
Элни алдашда ул ўғриларга ошно ҳожимиз.

Каъбада такфин кийиб, ўлмакни орзу айлади,
Анбаро, таън этмағил, қўй юрсун арвоҳ ҳожимиз.

* * *

Эй, ҳавода турнақатор учган гоз,
Қошимға туш, қанотингни қил қофоз.

Патларингни кенгайтиргил шунчаки,
Ҳар бирини ер(нинг) кенглигидек

(сан) ёз.

Қанотингга юрак сирларин битай,
Ғамгусорим тарафиға эт парвоз.

Қўнглимда аламлар шунча ҳам кўпки,
Минг гоз қанотига ёзганда ҳам оз.

Фарёдимга қулоқ солиб, раҳм этса,
Келсун, иқдомига солай пояндоз,

Хотирини шод айлай, аижуман йифиб,
Шоирлар куйласун қўлға олиб соз.

Ҳақиқий муҳаббатға қулоқ берса ул,
Аннингдек дилрабони айлайин эъзоз.

Мажлисға уди Анбар ҳидини сочиб,
Ўзини элнімда айлайин мумтоз.

¹ Амо — кўрлик.

* * *

Фурқато, Сиздин қабули илтижо қилсун ўрус!
Бу заифни илтимосини адо қилсун ўрус.

Келди, келди майлига бир яигиликни бошласун,
Болаларға янги мактаблар бино қилсун ўрус.

Ваъда қилмишким, раият ҳолини неку қилур,
Айтингиз, ул аҳдига бир йўл вафо қилсун ўрус.

Дўхтуримдин эшитиб, хушнуд эрурман русдин,
Бистарим устида бу дардга даво қилсун ўрус.

Ҳеч ерга чиқмасимға онт берди бу оёқ,
Дўхтурим восита бўлса бир шифо қилсун ўрус.

Бахшилар, күшиочу лўли дастидин безорман,
Покиза аптекадин дору даво қилсун ўрус.

Сандалида кўп ётуб жонимға тегди, дўстлар!
Печкасини бу уйимға жобажо қилсун ўрус.

Каравотда Бибихоним, Оминам, Усмонхўжам
Яйрасун, роҳат ишини барҳаво қилсун ўрус.

Бу паранжида қарилар ёш улар пардоз ила,
Мушку Анбар ҳиди ёшларга мубоҳ қилсун ўрус.

* * *

Бир замонни ўйлагайман, ҳеч замонға ўхшамас,
Бу жаҳон буржида тўртдин бир томонға ўхшамас.

Дашту саҳро бош-оёқ бўлғай тамоми бустон,
Бу замоннинг бустони бустонға ўхшамас.

Тоғларидин кўп ҳазина мани ол деб қичқиур,
Жилғалар шаҳри азиму Кўҳистонға ўхшамас.

Бу замонда шоҳдур Искандару Доро каби,
Ман деган кунлардаги бир боғбонға ўхшамас.

Бўри қўйлар бирладур, дахл этмаса довруғидин
Ул замонда бўлгучи доруламонға ўхшамас.

Хизматида қирқта қиз хизмат қиласмиш бекани,
Келгуси озода ҳур қизу жувонга ўхшамас.

Молини ҳисоби йўқдур, кўзи тўймас бойни,
Халқнинг молини боқсан қўйчибонға ўхшамас.

Минг(та) шоир ёзади ёр дардин куйлабон,
Мушк, Анбар ҳид сочарлиқ достонға ўхшамас.

* * *

Қулоқ солгил манга, эй дўхтур бирпас!
Ғаниматдур бизга ўтган ҳар нафас.

Дўстларни уйиға бориб қарайсан,
Аёвсиз ушатгил бўлса гар қафас.

Ман бўлдим ул мудҳишга гирифтор,
Мандин ўзга йўлиқмасун ҳеч кас.

Урус келиб ҳам бўлмади осуда,
Зулму даҳшат йўқолсун, эмди бас!

Ман ғарив бистарда ётиб йигласам,
Худо еткурса охир бўлмагай абас.

Ёшларни умрини ҳазон этдилар,
Кўз олайтиб у номуссиз ҳама нас.

Ёшлар юзин кўрсун хуршиди тобон,
Анбар дилида қолмасун бу ҳавас.

* * *

Шум жаҳонгирлар учун зўр давру даврондур уруш,
Кўп ҳаромхўрлар учун пур рим ила қондур уруш.

Қонхўру бедодгарлар таъмасини келтирур,
Эл учун боди бало, бир офати жондур уруш.

«Эчкига жон қайғуси, қассобға ёғ», — деганидек,
Жангариларга давою роҳати жондур уруш.

Одамийлик нусхасини йўқотиб ваҳший каби,
Қонсираб қолған шаголға рагдаги қондур уруш.

Бойлик орттурмоқ учун жанжал чиқориб пайма-пай,
Дайдиган итлар учун бир ганжу навқондур уруш.

Зўрдин зўр чиқса доим, зўр қочғай гўрга,
Сулҳу амният кучидин несту яксондур уруш.

Қай куни бўлгайки, дунё сулҳ ила топғай қарор,
Акс ҳолатда бу эл поинға қопқондур уруш.

Жарчи бўл, Анбар, хотунлар бирла чиқ ёв зиддиға!
Бу нечук мудҳиш балою оби тўфондур уруш.

* * *

Не учун гул фаслида пурханда бўлмайдур бу боғ?
Ханда қилған боғни қай дунёдин айлай суроғ?

Иштибоҳ этмоқ нечунким, тегмағай боди насим,
Баҳри уммондин бу боғ йўли эрур беҳад йироғ.

Бу баҳор фаслида сабзазор ўлиб турмайдиму?
Не учун шамшодлар мажнунтолдек бедимоғ?

Манда ҳайрат бўлди пайдо, бу нечук кунлар эрур?
Хонадонда кундузи ҳам ёқадилар эл ҷароғ.

Бу ажаб сол ўлди, ёз үтмай мисоли қиши эрур,
Айни ёз ўртасида «га-га» деюр бүм ила зог.

Пиразан уйи каби дүкон ёнида йилтираб,
Жон берур вақтими, мажрух тан ёнадур жинчироғ,
Бойлар уйида анқир уду Айбар ҳидлари,
Камбағал уйида йүқдур жинчироққа лампа ёғ.

* * *

Эй Камий, шоирлик узра мунча қилманг лоф-қоғ,
Мұхайдес мунча узоққа бәрдингиз то Күхи қоғ?

Ул Ҳазиний пайрави бұлмоқ ила тоғын азар,
Шоир үлмоқдин умиди бұлса қилмас хеч лоф.

Шеър ёзсанғиз халойиқ ҳолидин мавзуу этинг,
Күп улуғларни мадҳ этмоқ эрур бу исроғ.

Аввало ўйланғ әл ичра зиндаги қай хилдадур,
Икки ёқлиқ зулмини сиз айланғ ҳамиша эътироғ.

Сиз каби мақтов ила ёзсам бу шеъримни агар,
Күп ғазал ёзилғуси, то бұлғусидир қоғ-қоғ.

Завқиу, Шавқи, Муқимийдек ҳәётимдин ёзиб,
Айбарин кокилларимни ҳидларин айланғ тавоғ.

* * *

Эй замон, ман санға боқмай, аслида сан манға боқ!
Қиши кетар, ёзни боши у навбаҳор сан манға боқ.

Ман санға муштоқдурман ёри жонимдек күриб,
Инғламоғингни қўйиб, васлингни кутган танға боқ.

Күп қаро зулмат тарафға боқма, авзоңиг бузар,
Кўзларинг пурнур этади, хуршиди равшанға боқ.

Сан ўтурған хонаға хуршид нури тушмади,
Хона кунжокига нур берган кичик равзанга боқ.

Раҳм қилғум сан жафокашға қийин, аммо нетай?
Бир үзүм танқо, ёронлар, күп йироқ Майманга боқ.

Кавкабим яшнаб, ҳұмоюн бошима құнған замон,
Анбарим ҳидиға тұлиб яшнаган гулшанга боқ.

В А С И Я Т

Ман үлсам, эй биродарлар, қизимни күёвға беринг
Судхұру бой, золимларға зид бировға беринг.

Бечора қизим мураббийсиз қолғанда анга,
Фамхұр үлғувчи бир ақллик күёвға беринг.

Ұзи ранжбар үлиб, аҳли аёлинни қийнамасун,
Мағлұмларни сұқмасун ҳеч, соқовға беринг.

Ман үлсам йиғламанғыз асло, у кун менинг түйим,
Такфин сарқутини қизил бұяб, яловға беринг.

Үғлимни хор әтманғыз етимлик нони беріб,
Билим үргаткувчи олими бировға боринг.

Авлодларим отасидек заһмат аҳлидин бұлсун,
Улар Анбар ҳидидур, қишу яйловға беринг.

МИНГБОШИ КАЛОМИЛ ХАЖВИ

Бұлди мингбоши кал Омил,
Бошида туки йүқдур, ақалли бир қил.

Күнглида илмдин ҳеч асар йүқдур,
Калима айтмоққа юришмас тил.

Амални ул гарав сотиб олди,
Поралар устидин бериб вексил.

Арзға келсалар агар фуқаро,
Пұписа, дүқ уриш учун абжил.

Хокимға борсалар шикоят ила,
Мединский дегани яна бадфеъл.

Билмағай фуқаро қаён бормоқ,
Волостнойи, ҳокими бари бир хил.

Дин бир эмас иш бирдек,
Бири қуръон ұқыр, бири инжил.

Эй мани қаламим, бориб тезроқ,
Оқ бошиға соч қилиб сиёҳ сурткил.

* * *

Шоңр әрсанг вақт-вақти бирла мушоира қил,
Ул Хазиний тұдасига кирибон мунозара қил.

Гар гунохинг ортуқ үлса ул ҳисобот вақтида,
Бир савобинг күрсатиб, үзингни мудофаа қил.

Жаннат орзусида хизмат айласанг гар тангріға
Дұзақидин құрқанингдинму, мулоқаза қил.

Хизмат этсанг әл учун холис қила күр доимо,
Күп киракашлар илан құрқмай мубориза қил.

Кимсаки халқ ғамидин ғами бұлурса, анга сан
Ендошиб, ҳар ишида ул ила мутонба қил.

Агар устоди адабни изласанг, Анбар отин,
Сан Навой таълим мини доим мутолаа қил.

НОИБТУРА АЕЛИ ЕКОТЕРИНА

Сингилжон, ҳамсоя бўлдинг, сирни пинҳон этмагил,
Ўзбеку гайрия бу деб, миллат исъён этмагил.

Миллатинг рус, одамиятда дуруст афъолларинг,
Ёшуруб одатларинг хотир паришон этмагил.

Покиза устолда ўлтурмоқ ажаб бергай шукуҳ,
Бу фақат бизларға хос деб, фикри нодон этмагил,

Ҳар нечук озодалик бўлса ярашгай бизга ҳам,
Ваҳшилик побандимиздур, бизни ҳайвон этмагил.

Ҳамнафас санга эрур ноиб, насиҳат айлагил,
Сарт миллатларни хўрлаб, чашми гирён этмагил.

Ўзбек аҳлидин нечанд олим чиққандур билсангиз,
Шак кетуриб илмимизға, феъли шайтон этмагил.

Мушк, Анбар конини топкай мусулмон бўлса ҳам,
Манга бўлған хайриҳоҳликдин пушаймон этмагил.

* * *

Эй, Муқимий, эрлар ичра куйлангиз сиз ҳар мудом!
Негаким мандек аёлларга эрур куйлаш ҳаром.

Эрни хотундин қилиб афзал яраткан дейдилар,
Биз учун ҳам сизни, шеърингизни этсун эҳтиром.

Бебизоатлик агар эл ичра бўлса айбингиз,
Бўйла қонун кашф этканлардин олинг интиқом.

Сиз каби ростгўйлар ҳоло хушомадға ғализ,
Вақти келгай сўзларингиз топқуси олий мақом.

Ичкарида маҳрамимдур бу қалам, қоғоз менинг,
Дафтарим топилса бир кун ўқуғидур издиҳом.

Ўлмасам етмиш ёшимда курсам ҳам майли эди,
Анбарим ерга кўмилса ушбутир баҳти қаром.

Зиёлиси зиёлимизга таълим берса илмидин,
Ҳама ишларға омил устаси бир кимё бўлди.

Валекин, ҳуқмронлиқ важҳидин оғир бўлиб ишлар,
Яроқлар икки хил, зарбидин оғриқ бедаво бўлди.

Олиқлар бир қатор эрди, тұлашға бўлмади дармон,
Солиқлар құшқатор үлғач әл әмди мосиво бўлди.

Қилич ёниға тұппонча құшулиб, ҳайбати ошди
Ки, аксар пойлавучлар ҳибсда мотамсаро бўлди.

Қувониб, «Ибтидода,— үйлади әл — зулм
кетди»,— деб,
Келиб золим, мулозим бирла тезда ҳампо бўлди.

Билиб олғочки мақсад бир эрур ҳар икки қонунда,
Бизим пешволаримиз дардиға малҳам даво бўлди.

Буни кўргач бечора әл яна маъюсу маҳзундур,
Сабаб шул эрди, әл ичра давоми можаро бўлди.

Сан эй Анбар отинча, сұzlама бундоғ аёлдурсан,
Неча сандек аёллар дардини айтиб, адо бўлди.

* * *

Борурман деб нигорим, бу дилимни чоғ-чоғ этди,
Адам даштиға юзланган танимни боғ-боғ этди.

Бу сўз бирлан тасалли берди кўнглумни ёрутмоққа,
Қаро зулматда қолған масканимға бир чароғ этди.

Шу бўлди, келмагидин маҳрум үлдим шур баҳтимға,
Висолин лаззати кўксум аро юз доғ-доғ этди.

Хабар келганды яшнаб гулшаним, булбул эди
хүшхон,

Бу бөгимни умидсизликда кони зөг-зөг этди.

Нигоронлиқда Шириң ишқидин тоғлар кезиб
Фарҳод,

Мани йўлимда юз турли аламни тоғ-тоғ этди.

Жудолиқ, хасталиқ кундин-кун ошди найласун
Анбар?

Ўзича ул ғазал ёзмоққа ҳар дам чоғ-чоғ этди.

* * *

Асли десак, насли бир саг қўрбоши,
Элликбоши, мингбоши ва даҳбоши.

Хон давридин сарқут қолғон амалдор,
Ҳоким — ўрус бўлди, Мўмин қўрбоши.

Меҳнат ила маблағ топиб уй солдик,
Приставга лойик кўрди қўрбоши.


Душанба кун қирқта қазоқ уруслари
Ташқарига бошлаб келди қўрбоши.

Нима эмиш? «Шул ҳовлиға пристав
Кучиб келар бўлди», дермиш қўрбоши.

Новвойхонадин эшитиб устозим,
Етиб келиб кўрса, турмиш қўрбоши.

Қўли хамирича юргурган экан,
«Нима учун келибди», деб қўрбоши.

Аҳволни тинглағач, таваккал қилиб
Урибдурлар, хушёр бўлди қўрбоши.





Икки тиши синиб тушган бұлса ҳам,
Ғазабидин кечмади ул құрбоши.

Ҳокимға арз қилиб жаримасиға,
Ҳовлини олдириб қўйди құрбоши.

Күп жон тиқилиб кичик ҳовлида
Қийналдик, жабрини қилди құрбоши.

Эй Анбар отинча, фарёд этма күп!
Бу замонда золимлардур ишбоши.

* * *

Бу оҳим дуди охир титратур арши муаллони,
Дуо бұлғай ижобат, ёрутур бу шаби ялдони.

Ҳамиша құл кутариб айлағайлар күп дуо барча,
Дуо қилсам қочурғайман каромат узра донони.

Деюрлар чин дуо қилса, қилур сувларни ул тесрав,
Келур вақтеки, бошқа йұлға бургайлар бу дарёни.

Дуо қилмай муруват муждаси бирлан күкартурғай,
Бу туфроқ құксига жо айлагай гавҳару кимёни.

Ұшандоғ олимни пурдийдани бұлай тасаддуқи,
Келур вақти, бу орзу нақд қылғай ҳар таманнони.

Ұзим — Анбар, бу бистарда ётурман порадур бу
дил,
Манинг хұшбұлығым охир тутодур рүйи дунёни.

* * *

Бу фалак манга ажаб қайғуни илхом айлади,
Ишқ дардин айлама изҳор, деб том айлади.

Ұзи ишқ лашкарларини Мисрдин ҳайдаб келиб,
Бемаңал ғавғо солиб, ул дохили шом айлади.

Миср шохни юздин олмай үлтурибдур дар ҳижоб,
Ул Зулайхो ҳажр дардидин ки бадном айлади.

Ишқ бирла ҳажр дарди бұлмаса ҳар кимсада,
Билгил ониким, үзини үзи беном айлади.

Ман нечук сабр айлайин, сүйган нигорим келмаса,
Сир очилди, вөқиғим ҳар хосу, ҳар ом айлади.

Ҳайф бу Анбар ҳиди, шу дунёға лойиқ әмас,
Келгуси дунё учун махфий саранжом айлади.

* * *

Гапур, дұхтур, манинг дардимға дорулар қачон
келгай?

Бу дардни қақшатурға тунд оғулар қачон келгай?

Ҳама аждодларим үйлаб кетибдур дунёдин бирдек,
Мен ҳам умид қылған шириң орзулар қачон келгай?

Билолмасман, фалакдин дод әтурлар барча,
бұхтондур,

Құзимиз олдиға ул юлдуз — инжулар қачон келгай?

Узокдур деб у меҳмондин умид узған ниҳоят күп,
Умид узмам келуридин ки, ҳиндулар қачон келгай?

Қаро баҳтим мисоли офтоб нурида күйганлар,
Қадимдин дүсти жон ул чашми оқулар қачон келгай?

Тавоно гарданида зебигардондур жавоқирлар,
Нотавонлар таққали ёқут, лұълуълар қачон келгай?

Хуси бобида давлат зарби зурму, сурати зурму?
Бу Анбар рүйн зебосыға күзгулар қачон келгай?

* * *

Эй дилбарим, богимға кел, ҳурилиқодин ўргилай,
Сани манга келтиргувчи боди сабодин ўргилай.

Сансиз баҳор ўлмади, гул ҳам бирор (бор) кулмади,
Таъбим бирон очилмади, сан дилрабодин ўргилай.

Неча қародим йүлингга, келгаймусан, деб субҳу шом,
Термулдим ман алдавом, сан пуржафодин ўргилай.

Кундуз ҳам үлди кечалар, йүлингни кутдим нечалар,
Бир қилмадинг андешалар, сан бепарводин ўргилай.

Бир йўл келиб шод эт мани, мулкимни обод
эт мани,
Анбар ҳидини ҳидлабон, қоши қародин ўргилай.

* * *

Турсун дардар, дарилла тўйларда сан ҳайиқмай,
Бой хотуилар келганда, асло қўймағил қоқмай.

Камбағални иззат қил, тўрга чиқар уларни,
Савлатига ош пишканлар юзларига ҳеч боқмай.

Фозибойлар, кемачилар, мингбошилар хотуни,
Пиёда бормайди, извошга қўнгироқ тоқмай.

Ундоқ шухратчиларни танобини тортиб қўй,
Давлатига дам берсун, мунча ортиқ ҳовлиқмай.

Ярашмагон ямоқдур ул, дириклама искалуш,
Тамкинона юуруллар, этик ковушға сифасай.

Атир — ифо суртади ажин босған юзларга,
Анбар ҳиди берурму, гул бўстонда экилмай?

* * *

Фалак, бошимға тушкил, бундин ортуқ жабрлар
қилмай,
Ҳама тарҳинг бузилсун, ер юзининг тарҳини
бузмай.

Қанотим йўқки учсан, ман бориб қошингда
сузлашсан,

Ки бечора халойиқ йиғлағайлар сирларинг билмай.

Мани бу сўз ила айб этма зоҳид, илм қил таҳсил,
Жаҳон аҳлиға изҳорим келур не маҳфий қолдирмай.

Бу дайр аҳлини доим куфрға оид айлаб хонақоҳ
иҷра,

Халойиқ ҳам алойиқдин кечибсиз, қадрини билмай.

Кеча қайғу ила йиғлаб, қавокибни кезиб кўзим,
Жаҳон аҳлиға изҳорим келур не маҳфий қолдирмай.

Жаҳсолатда хабарсиз, ҳирқаға бурканса доим шайх,
Кўзи кўрмаски тасбеҳи неча дона эди билмай.

Бу нодон сўфи доим шайхни феълини қашф айлаб,
Билолмаским, ўтарму пулсиrotдин анда йиқилмай.

Мани афсона қилманг эй халойиқ, айб зоҳидда,
Манинг Анбар ҳидим рӯшод, зоҳид ошкор этмай.

МУСТАЗОД

На хушбахтликки, фарзанди Фарғона бўлибман,
озода таним бор.
Ҳар кўчада бир шоирга ҳамхона бўлубман,
хушхон ватаним бор.
Афсус ман мазлум эрурман, ҳақ йўқ манга ҳаргиз,
бу унвони заним бор,
Хилватда ўзим-ўзима айтарман ғамимни,
тилсиз даҳаним бор.
Ҳеч бок эмас, ман бир неча моҳу сол бурунроқ
келдим бу жаҳонга,
Охир очилиб гулшандай буладур бу боғим,—
гулгун чаманим бор.
Бўлгучи чаман ризвонлари ўтқузса ниҳол,
ҳозир тикани бор,
Умид табласида боқишға қўюбман,
аспи саманим бор.
Келгуси ёруғ дунёга боришчун оёғим
ҳозирча эрур мажруҳ,
Дод айламагим мумкин эмас, бу баданимда —
қайди каманим бор.
Фарёд этиб кўз ёши ила ёзган бу абёт,
турсун бу қофозда,
Анбар ҳидини сочғучи бу жаҳонга
уди Яманим бор.

ҚИТЪА

Одам эрсанг ҳамиша иш қилиб юр,
Қаю йулға борурингни билиб юр.
Ҳақиқат сўзларини сўзлағанда,
Ани ёдлаб, қулогингга илиб юр.

У ВАЙСИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Эл аро жонбахш ҳам хуршиди тобондур адаб,
Шаҳр аро элға фароғатлик гулистондур адаб,
Одамини юзида бир нури имондур адаб,
Э дил, бугун илкингга ол, шоҳ эткан эҳсондур адаб,
Тухфа бўлур кўрсанг они (бир) лойиқи жондур адаб.

Дил агар соф әрса, они дейдилар жонон кўнгул,
Ўйлаган ҳар нарсани айлар ажаб дармон кўнгул,
Аввалида ўйламай, охирида армон кўнгул,
Васлда бўлсанг беадаб, фаҳм айлагил, нодон кўнгул,
Кўрсанг агар ул шоҳни, шамъи шабистондур адаб.

Раҳмат сиза, эй раҳнамо, олдим талаб таълимини,
Қўз кўрганин тасвирламоқ, билдим ажаб

таълимини,

Ҳар кимсага ўз жойида айтмоққа гап таълимини,
Маъзур тут, эй покдин, бердинг адаб таълимини,
Жо айладим кўнглим аро, билсам қизил қондур адаб.

Қуллиқ каманд занжирини гулёр солди бўйнима,
Туҳмат ғамини бесабаб ағёр солди бўйнима,
Арз айласам, бегам бу шайх тумор солди бўйнима,
Куфр этди ишқинг, эй санам, зунипор солди бўйнима,
Ошиқларига ўлгунча ёнмаслик, имондур адаб.

Ишқи покинг эт насибим, берайин имон санга!
Эй пари, хушнуд этмоқ ишидур осон санга!

Иўқса бисмил қил мани, шарора қилсун қон санга,
Кўз манзариға қўй қадам, наззора қилсун жон санга,
Боқмоқда кўз маҳрумлиғи бул тийри мужгондур адаб.

Юрсанг аниңг ҳар роҳиға, тут боадаб домонини,
Кирсанг аниңг даргоҳиға ўпсанг ажаб домонини,
Эй Анбар отин, паст кетмагил, ҳаргиз силаб
домонини,
Қўйсанг бошиңг остоңиға, тутсанг тилаб домонини,
Тутсанг муродингдин умид, Вайсий, фаровондур
адаб.

М У Х А М М А С Л А Р

БИБИХОНГА ВАСИЯТ

Эй қизим, омода бўлғил дунёдин кеткум букун,
Ҳолатим еткунча тилдин ҳолим баён эткум букун,
Бехабар қолма, ғамимни бир (бир)баён эткум букун,
Қўлларимдин жон чиққанча ўз гапим биткум букун,
Кўз юмуб бу дунёдин мақсадима еткум букун.

Эй қизим, Мўминхўжам аҳволидин воқиф булиб,
Боҳабар бўл, ҳар ёмон ерга юриб, таъсиф қилиб,
Чиқмасун тўғри йўлидин дайдиларга қушилиб,
Айткил Акбархўжага йўл бермасун таъқиб қилиб,
Кўз юмуб бу дунёдин мақсадима еткум букун.

Эй қизим, Усмонхўжамни ҳолидин олғил хабар,
Бу етимликда яна йиғламасун шому сахар,

Күз ёши бирла гүрим туфрогин этиб маңыстар,
Бағриға тошлар уруб ҳам бұлмасун у дарбадар,
Күз юмуб бу дунёдин мақсудима еткүм букун.

Найлайин бу дунёда ман бир куни күз очмадим,
Хұбрұлиқ айбим үлди, ойга ҳам юз очмадим,
Бу адаб таълимени олдиму дурлар сочмадим,
Ноилож үлдим, vale дур сочмоқ ишидин қочмадим,
Күз юмуб бу дунёдин мақсудима еткүм букун.

Екотрина манга берди тасалли шунчалар,
Келгуси даврон ҳақида берди күп тушунчалар,
Ануса ҳам Клава ном қыздари гулғунчалар,
Во дариго, келмади вақт ечкали тугунчалар,
Күз юмуб бу дунёдин мақсудима еткүм букун.

Келса даврон ман гүримдин бергум Айбар ҳидини,
То замон келгунчалик ёшургум Айбар ҳидини,
Ҳар ниҳоли решасига юборгум Айбар ҳидини,
Ҳар ноботот хокида юргузгум Айбар ҳидини,
Күз юмуб бу дунёдин мақсудима еткүм букун.

М У Х А М М А С

Эй шонра, қыл қариндошингға насиҳатингни,
Үлмасдин аввал қылғыл сирдошингға насиҳатингни,
Элу уруғингға қылғыл васиятингни,
Бу хушру Ватанинг учун қолдирғыл санъатингни,
Ұргат ҳамма фарзандингға бу маҳоратингни.

Аввал әл тилини билсунки, қайси тилда сұзлар,
Билсунки қаю йүл ила қайға боришни күзлар,
Охир бу йүл ила бориб ул ким ила юз юзлар,
Қайсиси қаён бориб ботур юлдузлар,
Күзинг очуғида күрсат йүл ҳақида хатингни.

Дегилки, болам, бу сўзларим ўйлагил танингга,
Хизмат қиласур эл учун бу доно Ватанингга,
Эл роҳатию гамини қабул эт танингга,
Бовар қиласур келгусида ёшноқ марди занингга,
Фарзанду қариндош қабул этсун ишоратингни.

Дилни тузатуб, андеша ила ушлаб қаламни,
Тилни узатуб, илм пеша қилиб, ўйла у ғамни,
Езсун ул қўлидин бой бермай бир дамни,
Езсун оламға бошдин ўтган барча аламни,
Қолдирмай олиб борсун изингдин давоматингни.

Покиза дил ила йўл олсун шоирлар ичра,
Ўткур қалами бирла кириб борсун моҳирлар ичра,
Ҳар ғул-ғашни пок этсун ул тоҳирлар ичра,
Эл жарчилигин кашф этсун ул зоҳирлар ичра,
Охир айласун авлодинг камолатингни.

Ҳозирча қоғоз устида мани дурларим сочилғай,
Вақти келиб ушбу маҳфий сирим очилғай,
Бу бахтсиз мани фарзандларим чигали ечилғай,
Үл вақт мани хотунлик гуноҳим кечилғай,
Дегайлар ўшал вақт «Мард аёл — қўйдук отингни».

Кел эмди, эй Анбар отинча, дамингни пас қил!
Сўзни узайтирибон ёзишни ҳозирча бас қил!
Яхиси шуки, кунгулда янгилик ҳавас қил,
Кўп оҳ урма, замона осуда нафас қил,
Умр етса куармиз, изҳор эткан кароматингни.

* * *

Эй гузал Фарғона, узингни кел эмди шод қил,
Ҳар ғазални бошида, сан, ўз отингни ёд қил,
Қайди бандни пора айлаб, ўзлугинг озод қил,
Қайгулик кунларни куйдур, барчасин барбод қил,
Эмди Туркистонда ҳақгўйлик ила фарёд қил.

Богларинг пажмурда бўлди, зоғларингни пойидин,
Қўкрагинг сад пора бўлди дайдиларнинг ёйидин,
Қатра-қатра қон томодур ўқ тешкан жойидин,
Қип-қизил қонлар оқодур жабр кўрган сойидин,
Ўз қўлинг бирла бу юртингни ўзинг обод қил.

Бу нечук ғорат этишким, икки ёқдин тўсди йўл?
Икки тил бирдек гапурса, қўрқмагил, омода бул.
Эгри юрса, юрмағил сан ул тарафга ўнгу сўл,
Кимки эгри йўлда юрса, эл ани этмас қабул,
Зулмдин озод булишда ўзлигинг устод қил.

Кимки меҳнат қилса боғингга ани эъзоз этиб,
Гул насимини димогига юборғил ёз этиб,
Нозу неъматни анга бергил яна боз-боз этиб,
Эл ичида ҳурмат ила сийлагил мумтоз этиб,
Меҳнат аҳлига ҳамиша боқ, дилини шод қил.

Кел, очил суйган диёrim, гулларингни яшнатиб,
Сайрасун булбул боғингда, дилларингни яшнатиб,
Яйлову қирлардаги сунбулларингни яшнатиб,
Анбарим ҳиди ҳама жамбилларингни яшнатиб,
Халқи оламға ҳаётинг сиррини рўшод қил.

* * *

Ухламасман кечалар шамъи шабистон ўлмағач,
Етти қат ер кўксида бу ойга меҳмон ўлмағач,
Еру кўк илмини билмакка дабистон ўлмағач,
Абрлар устига лоақал бир нардбон ўлмағач,
Ул Улугбекдек бу асримда билимдон ўлмағач.

Нега ухлай кеча-кундуз, ухламоқдин чарчадим,
Кундузи ҳам кечадек кўз юммоқдин чарчадим,
Тушларимда ҳикмат ишларни курмоқдин чарчадим,
Үйғониб ул туш ҳақида ўйламоқдин чарчадим,
Кеча ойдин кундузи хуршиди тобон ўлмағач.

Туш күриб сувсиз, гиёсиз чүл(да) бедор ўлмишам,
Бир тушимда дашт аро ман ҳамдами мор ўлмишам,
Боз туш курсам аёллар ичра саркор ўлмишам,
Яхши ниятларни куйлаб соңиб ашъор ўлмишам,
Күзни юммасман сира туш бур(ж)и чандон ўлмагач.

Бедор ўлтирганимда ҳамдамим ушбу қалам,
Құлларимға бу қаламни тутқазур дарду алам
Устоз ишхонада, ёнимда ётур тұрт болам,
Юрагимдин коғаз устига тушодур ҳажру ғам,
Қувватим ёзмоққа етгай бир қадрдон ўлмагач.

Езмогимдин (манга) не ҳожат чиқар манга аён,
Күнглума келган ниятни тинмайин айлай баён,
Езғанимдин манга Нұқдур на ҳаёну, на зиён,
Аржуманд фарзандларим бахти учун бұлғай ҳаён,
Езғаним беҳтар гапим — тингловчи инсон ўлмагач.

Ким шамолда чүлға юргай жонини қийнаб узи,
Хор кетгай ким бақирса, шу куни айтган сүзи,
Чангы туфроқ қылғай ифлос, ёпмаса тоза юзи,
Құм кириб, ёшлар тұкуб, оғриғуси үткур күзи,
Юрмағам беҳтар, юришға күча дархон ўлмагач.

Ухлағайман юлдузим ой олдига борса яқин,
Ҳамма күрган тушларим үнгимда ҳам бұлса тағин,
Езған ашъорим халойиқ ичра бұлса чун оқин,
Бу шамоллар тұхтабон сайёрға бұлмай қийин,
Анбаримни ҳидлари ер ичра пинқон ўлмагач.

Я К К А Б А И Т Л А Р

Камтарин заъифай мазлума,
Анбар отиндин манзума.
Ушбу ёзилған байтлар,
Башар зийнатин айттар.

Бу китобим тамоми,
Якка байтлар итмоми.

АЛИФ

Одам эрсанг маъни бил дона-дона,
Ватан эрур санга иккинчи она.
Сузламасдин олдин сўзингни сина,
Хар бир сўздур умринг ичинда сина.

Б

Улғаюрсан санда бор ўлса адаб,
Улғаюрсан санга ёр ўлса адаб.
Одам эрсанг, ташқи сурат берма зеб,
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

Т

Бир иш қилки, эл ичра бўл бо ҳурмат,
Икки дунё номинг бўлур бо иззат.
Ҳаёнсиз эрса минг жафо мاشаққат,
Ул иш дейилмагай эл ичра меҳнат.

Ж

Харобот элда султонлар олур бож,
Адолат илкида яксон ўлур тож.
Кимки эл ғамиладур сухансанж¹,
Анинг ҳар сўзи дунёда улуғ ганиж.
Қаю султон адолатга қўюр синч,
Қўл остида эли доим бўлур тинч.

¹ Сухансанж — сўзни пишшиқ-пухта билувчи ва айтuvchi.

X — ҳуттай

Бутун умримда ер эрдим ғами субҳ,
Дам охирида келди бу дами субҳ.
Умидим субхидамдин бошланур сулҳ,
Диёrimға суюнуб тошланур сулҳ.

X

Фалак қажравлиғидин шом эрур талх,
Ғаму қайғу чекишдин ком эрур талх.

Д — дол

Башарни тарихи қонуни аждод,
Анингдин илм топғуси ҳар авлод.

Бу йўқсул эл ҳаёти гарчи барбод,
Бўлур авлодини рўзгори обод.

Ҳаёт тарихи элда некую бад,
На тавсиф билдирур, на хатти абжад.

З — зол

Манга халқ рўзгори бўлди устоз,
На сифат китоби, на таку тоз.
Хирад элига кўксин тутди коғаз,
Ҳам ирфон ишқида қон ютди коғаз.

Р

Киши ўз тақдирига ўзи маъмур,
На маъмурлар яратған рўзи маъмур.
Муродингни ҳаёtingт ичра ахтар
Ки, мавҳум илм ичинда бўлма ахгар.

Машақұатсиз ҳунардин чиқмағай дур,
Ҳаёнсиз илм дурридин күб әрүр дур.
Кимики күбни рангин этди зағар,
Ики дунёда бұлмайди музaffer.
Минг йил армону ҳасратда оқар Сир,
Музaffer әлға сирини очар Сир.

З — зе

Кимики маърифатни этса эъзоз,
Ани ирфон этар албатта мумтоз.
Ўзингни әлга хизматкор эткиз,
Ишиңг анжомига еткунча еткиз.

С — син

Шаҳаншоҳи номвар афзал бұлмас,
Ҳар адли ҳам зулмдин холи бұлмас.
Мани сўзимни тингланг, аюҳанинос,
Келур авлод даври ўзига хос.
Азалдин адл ила зулм эрди ножинс,
Зулмни пеша қилди, кимки ножинс.
Билингки ўзига қўймиш бино кас,
Такаббурлик ўтида куйди нокас.

Ш — шин

Дариғоким, ҳамиша күнглум ғаш,
Чароки, кўп ҳалойиқ күнгли ғаш.
Ҳукмрон зулм тобора қилур иш,
Ўзин жисмиға кўп яро солур ниш.
Жаҳонгир қўшинларга қўйса оташ,
Анинг бошиға бўлғуси балокаш.

С — сод

Биз адабда кургумиз ҳусни қасас,
Хуш куним деб ўтодур аҳли асас.

Ким ўзин Намрудга айлар қиёс,
Иброҳимни қавмидин тортгай қасос.

З — зод

Зулм бўлган үлкада қолмайди файз,
Тонггача кун нурини олмайди файз,
Муфти эл бошига солғай янги фарз,
Ўлмағай то бермагунча элга қарз,

Т — (те — итқи)

Эл ғамидин ўзгароқ ўлмас бу хат.
Шунча қилсам бир йули бўлмас ғалат,
Йўлларимда жару (кўҳ), қиру қиёт,
Шул сабаб юрганда қилгум эҳтиёт.

З — (зо — изғи)

Беқироат сўзламас аҳли воиз,
Ҳар нидо қилғанда тинглайман ғализ,
Танға озуқдур ҳамиша тўғри лафз,
Миллату тилға хиёнат ўғри лафз.

АИН — (а)

Адаб ирфон илми ичрадур шамъ,
Ақл ойинасида чеҳрадур шамъ.
Үруслин юртимиза тушди шуоъ,
Хирадни муждасини қучди шуоъ.

ҒАИН — (г)

Бу вужуд бир қўлимса берди яроғ,
Бир қўлим ҳодисадин тутди чароғ.
Ажнабий хайлига йўл бермади тоғ,
Учса ҳам қўнғали тоб этмади зоғ.

Ф

Маърифат шоирини сузи садаф,
Ҳарзагўй¹ ахли учун мисли хадаф.
Мадҳдин воизи минг айласа лоф,
Дину вужуд орасида мингта хилоф.

Қ — қоф

Меҳнату ақлу вужуд иттифоқ,
Шайх, дин бу орага солма нифоқ.

Гарчи бу ахли вужуд бўйни синиқ,
Чиркинат таъсири йўқ кўнгли тиниқ.
Шайху пир кўрсатади йўл йўриқ,
Оғзида зикри худо, кўнгли қуриқ.

К — коф

Одам эрсанг кўнглинг эткил пок-пок,
Сандин этмасдин ўзини улки пок.

Ҳар нафас мазмун илан ўтса керак,
Гар ҳаёт мазмунини билса юрак,

Одамийда бўлса гар яхши тилак,
Халқ учун тебратгуси доим билак.

Л — лом

Яхши одамлар ишидин ибрат ол,
Ибраторомўз хизмат айлаб, иззат ол.

Кимни илгида бор эрса ҳиммати олий,
Рангу рўйида кўрунгай раҳмати олий.

¹ Ҳарзагўй — беҳуда, бемаъни гаплар гапиравчи.

Ҳар ғазалда янги мазмун айла ҳал,
То қиёмат ранги ўчмас мисли ҳал.

Фойдасиз сўзламаса қайси тил,
Она тил бўлгай ўшал тил — она тил.

М — мим

Бош эгиб тургай ҳамиша ҳарфи мим,
Ўйламанг таъзимда бор деб зарбу бим.
Одамийлик хислатидур ҳар салом,
Ҳам баҳойим этмас одамдек калом.
Ким ҳаёт ичра босиб келди қадам,
Рўзгорини ясаб бўлсун адам.

Н — нун

Она ер шаклидаги бу ҳарфи нун,
Қўксида равнақ топодур ҳар фунун.
Вақти келгуинча такаббур осмон,
Сирни бермай тек турурмиш олумон.
Зуфунунлиқ хулласи бирлан кийин,
Элға ҳикмат сирини айғил кейин.
Ўз гуноҳингни сўраб элдин ўтин,
Нафрат ўти ичра бўлмасдин ўтин.

В — вов

Одами ақлу назокатда сулув,
Бўлса ахлоқи садоқатда сулув.
Дунёни билмакка идрокинг гаров,
Зеҳн қўймоқға дили покинг гаров.
Яхши иш қилмоқ учун йўқса уқув,
Санга лозимдур уқув бирлан ўқув.
Боқ ҳаётинг лавҳасига бўлма қув,
Гар нишони яхшилик топилса қув.

X — ҳавваз

Бу ҳарфни ишлатурлар «алиф» ўрнига,
Анга маъқул «алиф» юрса алифда.

Қачон еткургиси ул кунни оллоҳ,
Хотунлар хуррам ўлса чекмайин оҳ.

Қачон баҳт ўлғуси бизлара ҳамроҳ
Ки, токай банд үлурмиз ҳамчу гумроҳ.

Нечун иқбол биздин мунча саркуҳ,
Анинг кўйида ермиз шунча андуҳ.

И — е

Бу ҳарфни «ё» деюрлар лафзда асли,
Ки аксар сўз охири «и» дур насли.

Агар ирфонға вусъат берса бори,
Фунуни заҳматға бергай эрди ёри.
Худо хотунни баҳтин очса эрди,
Ки ховар ўз нурини сочгай эрди.
Бу Анбар оҳини тингла илоҳи,
Замона аҳли аҳволим гувоҳи.
Чуқур мазмунда бу сўзлар тамоми,
Келур давронга қолди итмолми.

* * *

Бир ажиб қишлоқлардур Гумойил ҳам Бешқовоқ,
Бу Хуқанд шаҳриға унчалик эмас йўли узок.

Ҳама ер боғу дала, атрофида кенг пахтазор,
Пахтани бой оладур, деҳқон қолодур қўл қадоқ.

Боғларнинг мевасини маъниси йўқ бу баҳор,
Ҳар тарафдин қушлар ҳам келмади бўлғай қўноқ.

Боғбон қўйгай эди қушлар учун кўп ошиён,
Келтуурурди нуғида қушлар у ёқдин кўп шафоқ.

Богбон ҳам дил хунукдур бу фалакни дастидин,
Мевасидин бенасибдур, шу сабабдин бедимоғ.

Илгари бир бойни мулки эрди, ободроқ әди,
Устига бир бой келиб, бу ўртада чиқди нифоқ.

Үмид улдур, бўйи Анбар келса жаннатдин яна,
Яшнаса гуллар бу боғда, булбул ўлса вақти чоқ.

Ф О Р С И Й Ғ А З А Л Л А Р

Ё раб, ба ту арз дорам аз ин балои зар,
К-ин адлу ҳаё фавт аст аз вабои зар.

Кў амри ту ва маърифати пир кучо?
Нояд, ки фитад бар рухи шаръ сиёҳи зар.

Гўянд, ки худо қувват диҳад мулларо,
Аммо такъя кунад бар камару асои зар.

Маддоҳ вараъ дорад аз оби сими дун,
Бар гардани хеш гирад ридои зар.

Аз меҳри вафо, ҳилму ҳаё, ваъзи тақӣ,
Бар нафси хеш фатҳ диҳад равои зар.

Боён, ки дар ин давр қиёми дўсти худо,
Ҳайҳот ба худое, ки ҳама фидои зар.

Анбар насими хеш мадиҳам баҳри риё,
Ҳар чанд, ки ҷӯшад умр нест кунун ҷазон зар.

* * *

Тақ-тақи дар омаду ё хабари ёр,
Ё тулуъи шамс бувад дар саҳари ёр.

Чигуна пешвои ў бароям акнун,
Ба ташрифи мубораки ин сафари ёр.

Гилеми зар — паҳновари хуршеди олам
Бар қадами бахтовари пургуҳари ёр.

Чархзанон, Ҷунуби Гарб анвари тобон,
Парвонау мунтазир аст гирди сари ёр.

Шодикунон рӯфта равад шамоли Ҳўқанд,
Гарду губор аз қадами нуқравари ёр.

Абр зи ашки худ диҳад борони раҳмат,
Баҳри шукуфадиҳии пурсамари ёр.

Насими хуш тӯҳфа кунад Анбари зебо,
Файзу футух ҷилва кунад дар назари ёр.

* * *

Ба рӯям афтад ар рӯшнои коғаз,
Бубинам даштеву дарьёни коғаз.

Чаро аз ин дуруст оинае нест?
Намоён имрӯзу фардои коғаз.

Ба гулрӯҳар ки шайдо дар ҷавонӣ,
Ба як умр олим аст шайдон коғаз.

Ба нек наздику аз бадҳоҳ дурем,
Ҳамеша мо ҳама ошнои коғаз.

Ҳудуди мулки дастам низ тангтар,
Аз ин паҳновари аҷзои коғаз.

Ки то аз ғам ва андуҳам навиштан,
Бувад хушнуд, хуб авзои коғаз.

Қани бошад, ки узви Анбар отуи,
Мисоли тозаи аъзои коғаз.

* * *

Мутриба, ман ҳам имрӯз ба даст гирам соз,
Сози ғазалам аз тори дилам дар оғоз.

То авчи суруд аз Ватанам дур равад,
Шаш қитъя замин бишнавадаш ҳар овоз.

Ориф агар ии замзамаро гүш кунад,
Ү низ ғазал хонад аз ү ваҳ, дамсоз.

Дар маърифати ишқ чаро меҳр бубанданд?
Ин маъни ба ҳар ошиқ азал бувад маҷоз.

Дар аҳду вафо мустақим аст ду гетӣ,
Бар мулки вафо шоҳ бувад ду мумтоз.

Дар гетӣ ба ҳам сидқу сафо ёр бувад,
Дар ҳар ду ҷаҳон мекунадаш ҳалқ эъзоз.

Анбар, ки дар ин маъни садаф суфт бигӯ,
З-он гушай ғам наъра занад ҳар ғаммоз.

* * *

Устози ман, пешвои ман, отунбиби Барнои ман,
Шаҳбози ман, шаҳнози ман, отунбиби донои ман.

Ҳаштоду иӯҳ синну сол, аммо ҳануз қаддӣ ниҳол,
Буд аз адаб, хуб баркамол, отунбиби донои ман.

Ватан Истравшан замин, маскан бишуд Ҳӯқанд
замин,

Бо шоирон гашт ҳамнишин, отунбиби донои ман.

Равшан мисли оби зилол, абру мисоли ду ҳилол,
Барногии ў бемисол, отунбиби донои ман.

Бо ҳама аҳли духтарон монанди модар меҳрибон,
Ҳар як қаломаш достон, отунбиби донои ман.

Чамоли ў ҳамчун гуҳар, мўи снёҳаш нилуфар,
Таърифи халқ некӯбашар, отунбиби донои ман.

Пайрави ў шонра шуд, як кишвари озодааш,
Намунааш ин Анбараш, отунбиби донои ман.

* * *

Ғубори оразат покиза кун Фарғоначони ман,
Биё, ки аз рухат оина бинам оначони ман.

Ба зулфи худ бирубам қадаматро аз олонш,
Биё осудаги ёбам акнун ҳамхоначони ман.

Кунун бо ашки хунолуд бишум ин ғуборатро,
Ки луълуюи ҷаҳон боши, аё дурдоначони ман.

Бегўянд ҳусни зебо ансабу ҳуррамгаҳӣ иффат,
Фақат баҳри ту аст ин маърифат дугоначони ман.

Тамоми сарвати хеш аз нигин берун бишуд ҳоло,
Ки муддат боқӣ мебошад, аё нурхоначони ман.

Фироқу ноумедӣ анқариб аст кишвари зебо,
Дами осоиш ояд баҳри ту кошоначони ман.

Чароғи мулки Фарғона бувад шаҳри азим Ҳӯқанд,
Қани Анбар ҳазорон сол сухан парвоначони ман.

* * *

Мулки Фарғона бувад мавзӯи сар достон лазиз,
Мегирад унвон аз ин номаш ғазалхонон лазиз.

Шаҳри паҳновар бувад Ҳӯқанд дар ин сарзамин,
Аҳли ў меҳмоннавозу шоиру хушхон лазиз.

Маргилон монанди модар зинатарой ҹажон,
Ҳар чи зебад он чи пүшонад, аз ў имкон лазиз.

Андиҷон дехқони ашраф аз қадими рӯзгор,
Оварад аз заҳматаш авқот ҳам ион лазиз.

Ман чи гўям, ки Намангон шуҳрати олам бувад
Бо анори аргувонаш себи занахдон лазиз.

Дар палавхўрдан табақ аз Рошидон зеб оварад,
Дида ҳарфи хоки кишвар хуррам асту чон лазиз.

Ҳар газал гўяд, ки Анбар ҳақ бидорад ин Ватан,
Бо шукӯҳи назм ороиш гирад итон лазиз.

* * *

Духтараки ҹингаламу, хуш омадӣ,
Хуш феълакаку малламу, хуш омадӣ.

Фирузачашму пурхаёлу зийракак,
Дори зи баҳт ҷустуҷӯ, хуш омадӣ.

Сарвқадду абрукамону ғунчалаб,
Сафидакак, ҳандон рӯ, хуш омадӣ.

Бо мақсади омӯзиши туркизабон,
Дар дил ҳавас дорӣ, бигӯ, хуш омадӣ.

Надонам, ки ту чи сои сухан кунӣ,
Аммо форамаст гуфтигӯ, хуш омадӣ.

Биё, забони яқдигар омӯземаш,
Баҳри омил будан ҳар ду, хуш омадӣ.

Шояд, ки Анбарой аз ҳалқи ўрус,
Илми фасеҳ омӯзад, ту хуш омадӣ.

М У Х А М М А С

Намедонам, ки афъоли занон аз ким, ки боб ояд,
Б^ахукми ким кадомин адлу ҳақпарвар китоб ояд,
Б^абарнобудии чинси хушомадгү итоб ояд,
К^и медонад, ки аз нутқи кадомин кас хитоб ояд,
Ч^унин явм — ул ҹазое давраи пурсу ҳисоб ояд.

Б^ахукми кист ин мардум ба олоиш гирифтор аст,
Б^ааз ин зиндагӣ фарди талотум ончи безор аст,
Ч^унукки хеш инсон як мусоғир балки бекор аст,
Б^азарби ҹустучӯи комъёбӣ суст ағбор аст,
Б^аин, кӣ аз ситам бадтар барон ҳалқ азоб ояд.

Н^алондаҳи фалак сӣ шаб ҳама кас моҳи торикшаб,
Дарозу ғамгузору мисли тори мӯй борик шаб,
Б^арон рӯзгор аз аввалиаш то рӯз ҷиқ-ҷиқ шаб,
Б^арӯзи рафта дар андӯҳу ағғон ҳамчӯ шерик шаб,
Б^ахти ин шаби сарсаҳт печам моҳтоб ояд.

З^апас гуёки вақти рӯз шуд ҳезем аз ҷогаҳ,
Даррак аз субҳи содиқ ҳаст ҳамоно равзани ногаҳ,
Б^асоат бо ҳодӣ дорем, ки барвақт аст ҳам бегаҳ,
А^зин асрор кай бошад ғуруҳи ҳукмрон огаҳ,
Намегуяд, ки тақдир аз кӯҷо он офтоб ояд.

Б^аайнүшӣ агар аҳли навозиш базм медорад,
Дар онҷо таърихи хушнудии худ ҳарчи пиндорад,
Б^ашӯҳӣ назм гӯй согари май ҳарчи бардорад,
А^зор аз расми меҳнат ғайри давлатманд зар дорад,
Н^алонад аҳли вичдон, дорад ин об аз ниқоб ояд.

Насими гул, машоми шайҳро кард атровон инҷо,
Б^адасти одамизоди тавонгар боғбон инҷо,
Ч^унавмед аз закоти шайҳ бар ин нотавон инҷо,
Н^алонад баҳри одам ҳам замину ҳам замон инҷо,
Ч^унин аст аз арақҳои ҷабин оби гулоб ояд.

Ҳамепурсам, ки эй аҳли чаҳолат, то кай, ин аҳвол?
Ки то кай дар Ватан гиръён, заифу нотавон атфол,
Мақоми пешвои дин чи гӯяд барҷунин афъол,
Худи Анбарнисо гӯяд ҷавоб аз мазмуни як фол,
Ки охир аз ғурӯҳи мардуми ғамгин ҷавоб ояд.

Р У Б О И

Эй фалак, токи ба боён пок вичдон надиҳӣ,
Е, ки инсофу диёнат нури имон надиҳӣ,
Нафси саг, ҳилаи рӯбоҳ ба ў пои роҳ,
Ту наҳот то охири умр феъли инсон надиҳӣ

Л У Ф А Т

абас — фойдасиз, уринсиз
абр — булат; абр и баҳор — күклам булути
авроқ — варақлар, қоғоз варақлари (бирлиги в а-
рақ)
авсоф — сифатлар, мақтовлар (бирлиги в а с ф)
адув — душман, ёв
алоло — шовқин-сурон, ҳайқириқ; алоло айла-
мак — шовқин-сурон қилмоқ
амо — күр, күzsиз
анбар — мушк қаби хүшбүй модда
андуҳ — ғам, қайғу; андуҳ емак, қайғурмоқ;
анис — дўст, яқин ўртоқ
аносир — унсурлар, элементлар, (бирлиги у н с у р);
тұрт унсур (элемент); сув, тупроқ, ўт, ҳаво
анқо — афсонага кура Қоф тоғида яшаган қандай-
дир қүшнинг номи, йўқлик маъносида ҳам иш-
латилади
асмор — мевалар; самаралар
ахгар — қип-қизил чүг
ашъор — шеърлар (бирлиги шеър)
аҳсан — яхшироқ
бадил — бирор нарсанинг бадали, бирор нарсанинг
ўрнини босувчи
баржаста — бўртиб турувчи, кўзга кўринарли
бек — яхши, хуб, маъқул
бебок — ҳайиқмовчи, қурқмайдиган; ҳаёсиз, бебош
бизоат — мол-мулк; асбоб, сармоя, бебизоат,
камбағал, мол-мулксиз
бийм — қўрқув, хавф
бистар — тушак, урин-бош
бих — илдиз
бод — шамол, боди сабо тонг шамоли
боз — лочин; яна, тағин, сўз биримасида ўйновчи.
ўйнатувчи маъносини ифодалайди: маймунбоз
баргоҳ — қабулхона
ботин — ич, ички; кўнгул, руҳ
бурж — қадимги астрономияда қуёшнинг йиллик ҳа-
ракат доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бири.
бурқаъ — юзга тутадиган парда, ниқоб
важд — ҳаяжонга келиш
вараъ — манъ этилган ишлардан үзни тийиш, пар-
хезкорлик, тақво
vasiъ — кенг

ваҳдад — танҳолик, якка-ягоналик
вирд — доим бажарилиб туриладиган вазифа, дуо
гирд — атроф, айлана, қирғоқ
гудоз — эрувчи, куювчи, куйиш, эриш
дабистон — ўқиши уйи, бошлангич мактаб
дайр — бутхона; майхона
дастор — салла
даф — чилдирма, доира
даҳр — дунё, олам, замон, давр
диръ — қадимги уруш асбобларидан совут
доман — этак; ўнгир; пок доман, номусли, покиза
дурушт — қўпол, дағал
жамил — чиройли, кўримли, нозанин
жангжуй — урушқоқ, жанговар
жобир — жабр қилувчи, золим
жоруб — супурги
жоҳ — мансаб, амал, мартаба
жўй — ариқ
зан — хотин, аёл
занаҳдон — сақоқ, бағбақа
зишт — хунук, ёмон
зиё — нур, ёргулук, шұъла
ийд — байрам, ҳайит
иноят — меҳрибончилик, ёрдам, илтифот
интиқом — ўч олиш
ирфон — билиш, таниш
иршод — түғри йўл курсатиш
исмат — поклик, бегуноҳлик
иштибоҳ — шубҳа, гумон
иқдом — қаттиқ тиришиш, уриниш, қадам босиш
иқтидо — эргашиш
кабир — катта, улуғ; қудратли, зўр, катта ёшли
кавокиб — юлдузлар (бирлиги кавкаб)
кажрав — тескари юрувчи, ҳийлагар, айёр
калисо — христианлар ибодатхонаси.
кас — киши, шахс, кимса
кишвар — мамлакат, вилоят
кишти — кема
ком — тилак, истак, мақсад
кунж — бурчак, бурч
куҳистон — тоглик жойлар
ливо — байроқ, түғ
лог — ҳазил, ўйин, эрмак
мадфун — кўмилган, дағн қилинган

малул — қайғули, ғамгин, хафа
манқал — оташдон (совуқ күнларда исиниш учун
устига ўт ёқиладиган идиш)
мариз — касал, хаста
маоб — сиғиниладиган, мурожат этиладиган жой
малах — чигиртка
маъво — бошпана, тураг жой
марг — ўлим, ажал
маҳофат — қўрқинч, хавф, қўрқув
маҳжур — айрилиб қолган, узоқлашган
маҳзар — даъво хати, ариза
маҳобат — ҳайбат, савлат; қўрқинчли кўриниш
миён — урга, бел.
мужда — хушхабар, суюнчили хабар
муалло — юксак, баланд, аъло
мубоҳ — рухсат этилган иш
мубориз — яккама-якка курашувчи жангчи
муассир — таъсир этувчи, ёқимли, таъсирили
мунгуз — шоҳ
мусҳаф — китоб, рисолалар тўплами
мустағрақ — гарқ бўлган, чумган
мурғ — қуш, парранда, товуқ
муштағил — бир иш билан шуғулланувчи, банд, юз
ўгирувчи
муфтахир — фахрланувчи, мақтанувчи, қувонувчи
мунду — душман ўтмасин учун хандақ четига сан-
чиб қўйиладиган санчиқ; ҳайвон овланадиган қу-
рол, сопол кўзача
набот — ўсимлик, новват
нав — янги
накхат — хушбўй ҳид
намудор — кўринишили, кўриниб турган, кўринарли
наҳор — кундуз
нек — яхши, гўзал
нек баҳт — баҳтли, баҳтиёр, толеъли
низ — яна, тагин
ноқис — нуқсонли, камчилиги бор
ойин — одат, расм, тартиб, усул
олот — асбоблар, қуроллар, яроғлар
омирзиш — гуноҳни кечиш, авф этиш
омода — тайёр, тайёрланган
оғоз — бошланиш, киришиш, ибтидо
пайваста — ҳамиша, доим, туташган
пайрав — эргашувчи, изидан борувчи

пайғом — хабар
пажмурда — сұлғин, буришган, ғамгин
пешгақ — уйнинг түри, ҳузур, олд
пур — тұла, күп
покзод — аслзода
раг — томир, қон томири
ранжпарвард — касалманд, мاشаққат билан ўсган
рафтор — юриш, бод рафт ор — шамолдай тез
юарар
раҳнавард — йўл юрувчи, саёҳатчи
реш — яра, жароҳат; ҳасрат, ранжиш
рабо — сўз биримасида тортувчи, олувчи, элтувчи
маъниоларида келади
расход — тўғри йўлни топиб, шу йўлдан бориш
ришват — пора
риҳлат — кучиш, жўнаш, узоқ сафарга чиқиш,
ўлиш
ридо — шайхлар елкасига ёпиб ёки ташлаб олади-
ган чойшаб каби нарса; дарвешларнинг устки
кийими
роҳ, раҳ — йул
рост — ўнг, тўғри, тик
руст — маҳкам, қаттиқ, мустаҳкам
рӯй — юз, бет, чеҳра
сабзапуш — яшил кийган, яшилга бурканган
сабуҳ — тонг пайтидаги ичклилик
савмаа — монастир, христианлар ибодатхонаси
само — осмон
самъ — эшлиши, эшлиши сезгиси, қулоқ
сарҳад — чегара, мамлакат
сариъ — тез, суръатли
сафир — най овози; ёқимли майин овоз
саҳаргун — оқ ранг
саҳл — осон, енгил; арзимас
синн — ёш
суд — фойда, баҳра, наф
себ — олма
сухан — сўз, нутқ, ифода
таб — иситма, безгак
табл — катта ноғора, довул
табоҳ — ҳароб, бузук, вайрон
таъжил — ошиқиш, шошилиш
тазвир — алдаш, ҳийла, фириб
тарсо — христиан

талх — аччиқ
тамуғ — дұзах
тадорук — илож, чора, ўринсиз кетган нарсаны ўрніга келтириш
такфин — үлкінни кафанлаш
тавоғ — бирор нарсанынг атрофини айланиш; зиёрат
танзих — поклаш, тозалаш
тар — ҳұл, янги, тоза
тараҳхұм — раҳм қилиш, ғамхұрлық
таррор — кисавур, ўғри
тарх — ташлаш, олиб кетиш, қурилған бино, би-
чим, тартиб, режа
тийра — қоронғу, қора, ғам-түссали
уд — оловга солғанда хуш ис берадиган ёғоч, бир
чолғу асбоби
ужб — манманлик, шұқратпарастлик, ғуур, риे-
корлик
унноб — жилонжийда.
фард — якка, ёлғиз
фаромуш — унугилиш
фитна ангиз — фитна құзғовчи, ғавғо солувчи
фосиқ — ёмон ишлар қилювчи, ёмон йұлға юрувчи
футуҳ — (бирлиги фатҳ) очиш; очилиш, ечилиш,
забт этиш, ғалаба
хайл — гурух, тұда, тұп, от-улов тұдаси
ховар — шарқ, күнчиқиши
хоб — уйқу
хуршид — қүёш
хушк — қуруқ, қуруқлық; ер
черик — құшин, аскар
чобук — чаққон, тез, илдам
шаб — кеча, тун
шабона — кечасилик, тунғи, кечқурун
шабихун — тунда тұsatдан қилингандың ұжум
шараар — учқун, алана, ёлқин
шар — ёмонлик, гуноҳ
шаҳд — асал, бол
шойнста — мувофиқ, муносиб, мақбул
шүй — сұз бирикмасида юрувчи маъносида келади
эмди — энди
эмон, әрман — әмасман

яд — құл; яди байзо — оптоқ құл
ялдо туни — қишининг энг қоронғу ва энг узун ке-
часи
қавий — кучли, құватлы
қол — қолу мақол — гап-сұз, шовқин-суронли гап
сұзлар
қосид — хабарчи, хат ташувчи, әлчи, чопар, ин-
тилувчи
қурб — яқинлик
құт — емак, овқат, озиқ
ғаддор — алдамчи, хиёнатчи, бераҳм, золим
ғазо — ғазот — диний уруш
ғамзудо — қайғуни кетказувчи
ғул — занжир ҳалқа, темир ҳалқа
ҳарир — юпқа ва нозик ипакли түқима
ҳазар — әхтиёткорлик, үзни тортиш
ҳижоб — парда, түсиқ, уят, уялиш
ҳилм — юмшоқ табиатлик, ювошлиқ, сабрлилик
ҳудуд — чегаралар

РАСМЛАР ИЗОХИ

Муқовадаги расмни рассом Қ. Башаров ишлаган.
Фронтиスピスда шоира Зебуннисо портрети. Алишер
Навоий номидаги адабиёт музейи фондидан.
Рассом Ҳ. Ҳасанова.
Бобир асарига ишланган миниатюра.
Зебуннисо шеър үқимоқда.
Дилшод Құқонда.
Дилшод ва Анбар отин.
Анбар отин, Муқимиң ва турмуш үртоги Зоҳид-
хўжа.
Анбар отин рус дустлари билан.
Ушбу расмларни ҳам Қ. Башаров ишлаган.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Зебуннисо	7
Дилшод	12
Анбар отин	74

На узбекском языке

ЗЕБУННИСО, ДИЛШОД, АНВАР АТЫН ИЗБРАННОЕ

Издательство ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1981

Техн. редактор Г. Ломиворотова
Корректор Х. Ҳожиметова

Теришга берилди 21.04.81. Босишга рухсат этилди 22.10.81.
Формати $70 \times 90\frac{1}{32}$. Қоғоз № 2. Гарнитура «Новая газетная». Юқори босма. Шартли босма листи 4,68+7 вкл.
Нашриёт хисоб листи 4,85. Тиражи 150.000. Зак. № 860.
Баҳоси силлиқ ялтироқ қоғозда босилгани 75 тийин.
1-қоғозда босилгани 65 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент. «Правда Востока» кўчаси. 26-уй.

